



«Баҳор» – энг намунали маҳалла



Kuchli davlatdan – kuchli fuqarolik jamiyati sari

“Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” тапловининг Сурхондарё вилояти босқичида 14 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи учта шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдуқодиров, “Ма-

ҳалла” хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими раиси Ў.Тошбоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик

жамияти барпо этиш бора-сида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий асосларини такомиллаштириб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

(Давоми 6-бетда.)



Parlament eshituvi

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра парламент эшитуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ошловий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг боши тўғрисида ахборот берди.

Давлат дастури ижроси муҳокама қилинди

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани таъкидланди. Ўтган йилларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқро мижёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ҳомиладор аёлларни

таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур микро-элементлар мавжуд бўлган поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Натижада кам вазли бола-белгилангани таъкидланди. Ўтган йилларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқро мижёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ҳомиладор аёлларни

(Давоми 2-бетда.)

«Шундай кунларга етказганига шукр!»

жойларда барпо этилаётган янги мактабларни кўриб, отахону онахонлар кўнглида шу ўй кечмоқда

Уфқдан эндигина бош кўтарган кўешнинг майин нурлари бутун борлиққа хузур бағишлайди. Ҳаловатли оппоқ тоғнинг осойишта кўчаларида гўё бахт ва толе сасизгина ўз эзаларини пойлаб тураювдек, текис ва раван йўллар эса йўловчиларни мақсадларига ҳеч бир тўсиқсиз, машаққатсиз элтишни вағда қилаётгандек туюлади...

Йўл ёқаларида кўр тўкиб турган кўркам, ҳашаматли биноларнинг кўзни қамаштирувчи жамоли машина ойнаси оша бир-бир бўй кўрсатади. Ҳа, бугун юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Унинг кундан-кун чирой очиб бораётган кўрки, таровати нафақат ватандошларимизни, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига мафтун этаётгани айни ҳақиқат.



Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor

Маиший хизмат объектлари, тиббиёт муассасалари, дам олиш масканлари, аҳоли истикомат қилаётган уй-жойларгача замонавий шакл-шамойил, ҳашамат касб этаётгани халқимизнинг яшаш тарзи, маданияти, тафаккури ян-

гиланиб, юксалиб бораётганидан далолат беради.

Айниқса, бир-биридан шинам, жаҳон андозаларига мос равишда барпо этилаётган мактаблар, коллеж ва лицейлар, мусика ва санъат мак-

таблари, спорт мажмуалари, “Баркамол авлод” болалар марказлари ва улларда яратилаётган шарт-шароитлар ҳар қандай ўқувчини ўзига жалб этиб, уни астойдил илм эгаллашга ундаши, қизиқишлари ва қобилиятини юзага чиқариши, шуб-

ҳасис. Ҳозир чекка-чекка қишлоқларда ҳам ана шундай гўзал масканларни кўплаб учратиш мумкин. Жорий йилда ҳам биргина Бухоро вилоятида 2та янги мактаб қурилиши, 24та мактаб биносини капитал таъмирлаш, 7та мактабда капитал реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Албатта, бундай кенг кўламли бунёдкорликларни бажариб, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етилиши ва ҳеч қимдан кам бўлмаслиги учун қулай шароит яратиш қатта миқдордаги маблағларни талаб этади.

(Давоми 3-бетда.)

Янги авлод дарсликлари
5-бет
қатъий талаблар асосида яратилаяпти

Юракнинг беозор малҳами
7-бет
она заминимизнинг шифобахш ўсимликларидан тайёрланмоқда

Спортчи мусобақага руҳан тайёрми?
15-бет
Спорт тарихидан маълумки, жуда кўплаб рекорд натижалар ирода билан бошқарилган ҳиссиётларнинг самараси ҳисобланади.

Давлат дастури ижроси муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар янада кенг, изчил давом эттирилмоқда. Перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини янада ошириш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини яхшилаш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Парламент эшитувида депутатлар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида бу борада белгиланган чора-тадбирлар ижроси, соҳадаги айрим камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича илгари сурилаган ташаббусларни муҳокама қилди. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар соҳадаги ютуқларни эътироф этган ҳолда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, айниқса, олис қишлоқларда малакали тиббий хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш учун соҳага хусусий секторни жалб қилиш лозимлигини таъкидлади. Давлат дастурида тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назоратни кучайтириш масаласига эътибор қаратди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан тиббиёт муассасаларини салоҳиятли кадрлар билан тўлдириш, хусусан, тиббиёт бирлашмаларини тор доирадаги мутахассислар, олис ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларини умумий амалиёт шифокорлари билан тўла таъминлаш, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда нодавлат таълим муассасаларини белгиланган тартибда тиббиёт ходимлари билан таъминлаш масаласига эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

"Адолат" СДП сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, шу билан бирга, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга ошириш тарафдори эканлиги белгиланган. Шундан келиб чиқиб, фракция аъзолари Давлат дастурининг "Оилани, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва раванқ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш" бўлимида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши лозимлигини қайд этди.

Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари асосий эътиборни Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида даволаш-профилактика муассасалари ҳамда

қишлоқ врачлик пунктларининг дори-дармон ва даволаш воситалари билан таъминланиш ҳолатига, қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктура тармоқларини барпо этиш, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада юксалтиришга, бу борада кўшимча чоралар кўрилиши лозимлигига қаратди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар томонидан гени модификацияланган махсулотларнинг мамлакатимизга четдан кириб келишининг олдини олиш, аҳоли ўртасида ижтимоий, юқумли ва хавфли ўсма касалликларининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва даволаш соҳасини тақомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида"ги ахборотни маълумот учун қабул қилди.

Парламент Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида, кўмиталарга ўз фаолиятларида Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эътибор қаратиш, бу борада парламент назорати институтидан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗА

Ёшлар тарбиясига барча масъул

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида манфаатдор ташкилотлар билан бирлашганда амалга оширилаётган ишлар, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги самараларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳар бир бола эътиборда экани, Президентимиз раҳнамолигида уларнинг ўз орзу-интиқлиларини рўёбга чиқариши учун барча шароит яратилгани таъкидланди.

Истиқлол йилларида бола ҳуқуқларини таъминлаш, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол инсонни вояга етказиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мустақиллик йилларида вояга етмаганлар жиноятчилиги қарийб уч баробар камайган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқтартиб ўйдоралари, давлат бошқарув органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда изчил ишлар амалга оширилаётди. "Ўсмир", "Давома", "Ўқувчи", "Ғамхўрлик" каби ташкилий ва амалий тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўладиган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш ички ишлар органлари олдида турган долзарб вазифалардан, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори Абдурашид Очилов. — Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида ички ишлар органлари томонидан маҳалла ва кенг жамоатчилик ўртасида 60 мингдан ортиқ тарғибот-тушунтириш, вояга етмаганлар билан яқна тартибдаги профилактик тадбирлар ўтказилди. Профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳаллалар ва таълим масканларида турли спорт ва фан тўғрақлари ишланмоқда.

Ота-она қаровисиз қолган вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ўз вақтида жойлаштирилиб, ақинларига қайтарилмоқда. Оилалардаги муҳит, вояга етмаганларнинг турмуш тарзи ўрганилиб, зарур чоралар кўрилкоқда.

Маҳаллалардаги яраштириш комиссияларига оилавий низола, кўник-қўшиллар ўртасидаги жанжаллар, бола тарбияси билан шуғулланмаётган ота-оналар ва бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар юборилиб, айрим оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди, вояга етмаганлар етим қилишининг олди олинди.

Ички ишлар органларида ўтказилган ислохотлар жараёнида маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари атрофида ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун факультатив тўғрақлар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари барпо этилгани ҳам вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзининг самарасини бермоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Ҳужжат имзоланди

Тошкент шаҳрида 29 июль кунини Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида "Кадрлар тайёрлаш учун stipendiyalar taqdim etish" loyihasi бўйича навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ф.Като Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, таълим йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазир Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бахш этди.

Япония Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шериклини чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот асосида изчил ривожланмоқда.

Бу барча жабҳалар қатори фан-таълим соҳасида ҳам самарали ҳамкорликка асос бўлмоқда. Япония ҳукумати мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини изчил қўллаб-қувватлаб келаётир. Хусусан, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ривожлантириш, кадрлар тайёрлашга доир қатор лойиҳалар учун грантлар

акратган. Япония ҳукумати билан 1999 йилдан буён амалга ошириб келинаётган кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. "Кадрлар тайёрлаш учун stipendiyalar taqdim etish" лойиҳаси доирасида шу кунгача ўзбекистонлик 280 талаба Кунчиқар мамлакатда bilim va kasb кўникмасини ошirdi.

Имзоланган навбатдаги ҳужжатга мувофиқ юртимиздан 15 талаба ўз мутахассислиги бўйича Япониянинг нуфузли университетлари магистратура босқичида таҳсил олиши учун қарийб тўрт миллион уч юз минг АҚШ доллари миқдоридан грант ажратилди.

— Ўзбекистонда мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда ва бу барча

соҳаларда ўз самарасини кўрсатмоқда, — деди Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. — "Кадрлар тайёрлаш учун stipendiyalar taqdim etish" лойиҳаси доирасида Японияда таҳсил олган талабалар мамлакатингизда турли соҳаларда фаол иш юритаётгани, ўз салоҳиятини юртингиз раванқи ва халқингиз фаровонлиги йўлида сарфлаётгани қувонарлидир.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган бундай лойиҳалар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш баробарида, мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ва серқирра муносабатларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири

2016-yil 30-iyul, № 61 (8918)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳамид бобонинг қувончи

Бухоро туманининг чекка қишлоқларидан бири бўлмиш Дўғдўзда жойлашган 41-мактаб ўрнида икки қаватли янги бино қурилиши ҳақидаги хушxabар бир зумда чор атрофга тарқаб, каттаю кичикни хурсанд қилди. Ҳаммадан ҳам болаларнинг шодлиги чексиз. Ахир энди улар ҳам барча қулайликларга эга замонавий таълим муассасасида тахсил олади. Фахрий муаллим — Ҳамид бобо бўлса қувончдан ўзини кўйрга жой тополмай қолди. Кунда-кунора қурилиш майдонида бўлиб, жараёни ўз

қийнаб келарди. Кемтикликларни бартараф этишга ҳаракат қиларди, аммо эскини ямаб эси кетарди.

— Энди бизнинг ўқувчилар ҳам замонавий мактабда ўқийди, — дейди 41-мактабнинг ҳозирги директори Мирожжон Раҳматов. — Икки миллиард уч юз тўқсон миллион сўм эвазига барпо этилган 216 ўринли янги бинода биз орзу қилган ҳамма шарт-шароитлар бор. Замонавий жиҳозлар билан безатилган синфхоналар, фан кабинетлари, тадбирлар зали, спорт зал, компьютер ва лингафон хоналари, овқатланиш учун буфет... Айниқса, физика, кимё, биология лаборатория хоналарига эга бўлганимиз фан ўқитувчилари

ларнинг аксарияти янги мактаб ва у билан боғлиқ орзулари ҳақида ёзгани шундан далолат беради...

Ҳамид бобо бундай эътирофлардан қувонади. Кўнглида ҳаловат, хотиржамлик туяди. Тилида эса шукроналик: «Шундай кунларга етказганига шукр!».

Қандимга кўрк бўлди

Қандим қишлоғи Қоракўл тумани марказидан 23 километр узоқликда жойлашган. Меҳнатқаш, танти одамларининг кўнгли янглиг қишлоқ ҳудуди ҳам кенг, ўзининг дала-дашлари, боғ-роғлари, оддийгина бўлса-да, савдо шохобчалари, маиший хизмат

ти баланд, ҳар бирининг кўнглида ўз ихрои бор:

— Истиклол туйфаили юртимизнинг энг олис гўшаларида яшовчи ўқувчилар ҳам меҳр ва эътибордан бирдек баҳраманд бўлиб, шахарлик тенгдошлари каби замонавий илм масканларида ўқиш имкониятига эга бўлишарди. Бу биз, катта авлод вакиллари ҳам қувонтиради, — дейди қишлоқ мўйсафидларидан бири Расул бобо Худойкулов. — Ёшим саксонни қоралаб қолди. Афсуски, тенгқурларимнинг кўпи бу кунларни кўришолмади. Неварларимнинг шундай бaxтли даврда даврон сурayтгани кўксимни тоғдек юксалтиради.

Жорий ўқув йилида мактабнинг 1-синфига 24 нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилган. Бошланғич синф ўқитувчиси Умида Очилова жажжи ўқувчиларини янги мактабда қарши олишидан хурсанд.

Ота-оналар фарзандлари замонавий бинода тахсил олишини мамнун бўлиб гапирса, «Дехқонобод» маҳалласи оқсоқоли Меҳрибон Ширинов бу жой ҳақиқий маънавият масканига айланишини таъкидлайди. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Шокир Каримов эса янги мактаб жамоа ютуқлари салмоғининг ўсишига хизмат қилажиги астойдил ишонч билдиради.

— Истаймизи-йўқми, фаолиятимиз самараси шароитга боғлиқ, — дейди у. — Айни пайтда мактабимиз таълим сифати кўрсаткичлари бўйича рейтинг жадвалида туманда 24-ўринда турибди. Албатта, бу натижа бизни қониқтирмайди. Фаолиятимизни таҳлил этиб кўрсам, ўқувчиларимиз спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнаша олмаётгани — спорт залининг йўқлигига, билимлар беллашуви, фан олимпиадасида юқори натижаларга эриша олмаётгани — замонавий ўқув жиҳозлари, жумладан, АКТдан фойдаланиш имконияти чекланганлигига бориб тақалади. Янги мактабда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Энди натижаларимизни яхшилаш учун ҳеч бир тўсиқ йўқ. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

Аслида, ҳар бир имконият зиммамизга юкланган зўр масъулиятдир. Жойларда барпо этилаётган янги мактаблар, уларнинг замон талаблари даражасида жиҳозланиши ҳам ўқитувчилардан янада фидойи ва ташаббускор бўлиши, сифатли таълим-тарбия бериши, ўқувчилардан чуқур таълим олиб, илм чўққиларини забот этишни талаб қилади.

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

«Шундай кунларга етказганига шукр!»

жойларда барпо этилаётган янги мактабларни кўриб, отахону онахонлар кўнглида шу ўй кечмоқда

Жорий йилда ҳам биргина Бухоро вилоятида 2та янги мактаб қурилиши, 24та мактаб биносини капитал таъмирлаш, 7та мактабда капитал реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган.



қўзи билан кўриб, кузатиб бора-япти.

75 ёшли бобо дўғдўзликлар орасида ҳурмат ва эътиборга эга. Умри давомида у ҳаётнинг кўплаб синовларини бошидан ўтказган. Болалиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган. У катта умидлар билан муаллимлик касбини танлаган эди. Аммо собиқ тузумнинг галвали, кишини шубҳа ва хавотир билан яшашга мажбур этувчи, хоҳиш-истаклари, имкониятлари, ҳатто орзуларини-да чекловчи сиёсати ҳукмрон бўлган бир даврда таълим-тарбия ҳам ўлджўлда эди. Ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам ёлланма ишчи каби муносабатда бўлиниб, улар исталган пайтда далага, исталганда қурилиш майдонига ҳайдаларди. Мактаблардаги шароитни-ку гапирмаса ҳам бўлади...

Бугун қишлоқ марказида салобат тўкиб турган янги мактабга қараб Ҳамид бобонинг кўкси завққа тўлади. Уни эскиси билан солиштиради. 90-йилларда ҳашар йўли билан мослаштириб бунёд этилган эски бино ўшанда одамларни роса қувонтирган эди. Шу мактабда у роппа-роса 10 йил директорлик қилди. Зах ва тор хоналар, баъзи имкониятларнинг йўқлиги уни доим

учун ниҳоятда қувончли воқеа бўлди. Зарурий жиҳозларсиз ўқувчиларимиз лаборатория ишларини бажаришга жуда қийналарди. Билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида ана шу бўшлиқ бизга ҳар доим панд берган. Янги ўқув йилида бу каби муаммолар ўз ечимини топади.

Янги ўқув йилидан инглиз тили дарслари ҳам янгича мазмун касб этади. Замонавий русумдаги компьютер, электрон доска ва видеопроектор каби жиҳозларга эга махсус хоналар бунда ўқитувчиларга асқотади.

— Янги имконият ва шароитлар фаолиятимизга кескин ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Лола Шарипова. — Айни пайтда барча ҳамкасблар кўтаринки кайфиятда, янгича куч-ғайрат билан иш бошлашга шай турибмиз. Ҳаммадан ҳам ўқувчилар руҳиятидаги ўзгаришлар бизни қувонтиради. Мактабимиз 2016 йилги Инвестиция дастурига киритилгани ҳақидаги хабар келган кунданок уларнинг ўй-хаёллари, орзу-мақсадлари янада янгилашиб, иштиёқи ортганди. Эркин мавзуда иншо ёзишни топшириқ берганимизда ўқувчи-

кўрсатиш объектларига эга. Аммо 31-мактаб Қандимнинг нақд юраги ҳисобланади. Гарчанд чекка ҳудудда жойлашган бўлса-да, бу илм даргоҳи ўз бағрида қанчадан-қанча обрў-эътиборли кишиларни етиштирган. Улар орасида профессорлар, фан докторлари, ҳуқуқшунослар, таниқли шифокорлар, йирик тадбиркорлар ва ўз ўрнига эга турли касб-кор усталари бор. Ҳозир ҳам қишлоқ болаларининг орзу-мақсадларига қанот бахш этиб келаётган бу маскан янги ўқув йилини янги бинода бошлаш арафасида.

— Қарийб 50 йиллик тарихга эга мактабимизнинг эски биноси кейинги пайтларда авария ҳолатига келиб қолган эди, — дейди мактаб раҳбари Азамат Худойбергенов. — 2016 йилги Инвестиция дастурига асосан икки миллиард бир юз эллик тўрт миллион сўм ҳисобига бунёд этилган 216 ўқувчи ўрнига мўлжалланган икки қаватли янги ўқув биноси нафақат ўқувчию ўқитувчилар, балки бутун қишлоғимиз аҳли учун зўр тўхфа бўлди.

Ҳа, одамлар билан суҳбатлашганимизда бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик. Уларнинг кайфия-

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Бухорода Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида хотин-қизлар форуми ўтказилди.**

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия ташкилотлари раҳбарлари, "Аёллар қаноти" аъзолари, спортчи қизлар, ҳунармандлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда иштирокчиларнинг миллийлик тараннум этилган бадий ижоди, жонли ижродаги кўшиқ ва рақслари, созандалик, ҳунармандлик маҳоратлари баҳоланди. "Энг ёш истеъдодли шоира", "Энг моҳир қадимий миллий мусика ижрочиси", "Энг жозибали миллий рақс ижрочиси", "Энг моҳир миллий либос дизайнери" каби ўнга яқин номинациялар бўйича фаол иштирокчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

❖ **Арнасой туманида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Оила мустақамлигини таъминлашда аёлнинг роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида оилалар мустақамлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. "Соғлом она ва бола йили" да ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланишида оиланинг, айниқса, онанинг ролини янада оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Оилада соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришда маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқдамиз, — дейди партия туман кенгаши раиси М.Некбоев. — Шу мақсадда партияимиз фаоллари "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларда мунтазам иштирок этиб, оилада аёлларнинг ролини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

❖ **Фарғона вилоятида "Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз" акцияси ўтказилмоқда.**

Президентимизнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлиmlари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган уч босқичли акция тадбирларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қамраб олинмоқда.

Олтириқ туманида акция доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтиришга оид ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

— Акция доирасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олинмоқда, — дейди партиянинг Олтириқ тумани кенгаши раиси Ш.Мамадиев. — Ҳамкор ташкилотлар вакиллари, депутатлар ва фаол ёшлардан иборат гуруҳлар ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож 25 хонадонда бўлиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, байрам совғалари топширди. Таъмирга муҳтож уй-жойлар ободонлаштирилди.

❖ **Бўстонлик туманидаги "Конструктор" болалар оромгоҳида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали томонидан ташкил этилган тадбирда иждоқдорлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, оромгоҳда хордиқ чикараётган болалар иштирок этди.

— Бу ерда таълим-тарбия ва соғломлаштириш ишлари юқори даражада ташкил этилган бўлиб, мавсум якунига қадар 2 минг 500 дан ортиқ бола хордиқ чиқаради, — дейди "Конструктор" болалар оромгоҳи раҳбари Т.Болуева. — Ўқувчиларнинг мазмунли дам олиши учун турли маданий-маърифий тадбирлар, тангили шоир ва ёзувчилар, мусаввирлар, спортчилар иштирокида учрашувлар ўтказилмоқда.

Болалар ижросидаги куй-кўшиқ ва сахна кўринишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Энг фаол ёш кимёгарлар

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" республика танловининг "Йилнинг энг фаол ёш кимёгари" номинацияси бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг қўллаб тармоқлари доирасида 14 номинация бўйича ўтказилаётган танловнинг ҳудудий босқичларида 1 минг 500 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасада фаолият юритаётган 700 нафар ёш мутахассиси иштирок этди.

"Йилнинг энг фаол ёш кимёгари" номи-

нациясининг якуний босқичида "Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 13 кимёгар ўзаро баҳоланди.

Иштирокчилар фаолияти ишлаб чиқаришга жорий этилган янги лойиҳалари, инновацион ишланмаларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, илмий изланишларининг долзарблиги ҳамда уларнинг илм-фан ва соҳа самарадорлигини янада юксалтиришга қўшаётган ҳиссаи қаби мезонлар бўйича баҳоланди.

Ғолиблар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ўтказилаётган анъанавий "Ёш мутахассислар" республика форумида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Танловда иккинчи ўринни эгалладим, — дейди "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти технологи А.Алиев. — Бундай тадбирлар ёш кимёгарларнинг илмий ишларини кенг оммалаштириш, яратилаётган инновацион ғоя ва технологияларни амалиётга татбиқ этишни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**И.АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири**

Беғубор ёшлик

Пойтахтимиздаги 90-мактаб қошида ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш мақсадида соғломлаштириш майдончаси фаолият юритмоқда.

Турли маданий тадбирлар, спорт мусобақаларини қамраб олувчи машғулотларда ўқувчиларни "оммавий маданият"нинг салбий кўринишларидан ҳимоя қилиш ва уларнинг мафкураравий иммунитетини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Соғломлаштириш майдончасида ҳадемай навбатдаги давра ўз ниҳоясига етади. Ун саккизта фан

ва спорт тўғрисида тўрт гуруҳга бўлинган болалар эртаклабки бадантарбия машғули ва касбий характердаги машғулотларга жалб этилмоқда.

Болажонлар ўртасида "Кувноқ стартлар", шахмат, шашка, баскетбол, волейбол, стол тенниси мусобақалари, "Ўртага тушар", "Бештош", "Оқ теракми-кўк терак?", "Жамбил" каби миллий халқ ўйинла-

ри ҳақиқий беллашувга айланиб кетади. Мультифильм намойиши, таълимий компьютер ўйинлари, эртак, шеър ва ҳикоялар мутолааси кунни мазмунан бойтади.

Соғломлаштириш майдончасида чинқиқиб товланган болажонлар янги 2016-2017 ўқув йилини аъло кайфиятда бошлайдилар.

**Бобур МҮМИНОВ,
90-мактаб директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари**

Унутилмас таассуротлар билан

Айни ёзнинг жазирани кунларида оромгоҳлар болажонларнинг сеvimли масканига айланган. Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган ўқувчиларнинг ёзги таълим даврини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари асосида таълим муассасасида кундузги соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг ёзги таълими мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Ҳудуддаги маҳаллада истиқомат қилувчи, асосан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари дам олаётган соғломлаштириш масканида спорт ва турли касб-ҳунар тўғрисида фаолияти йўлга қўйилган. Тўғрақларга жалб қилинган малакали педа-

гог-мураббийлар саз-ҳаракати билан болаларнинг мароқли дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун турли тадбир ва мусобақалар ўтказилиб келинапти. "Ёш мусаввирлар", "Эртаклар яхшиликка етаклар", "Рақс" каби йўналишларда шуғулланаётган тарбияланувчилар кўргазма ва кўнгилочар дастурлари билан ўғил-қизларга хурсандчилик улашмоқда.

Пойтахтимизнинг тарихий масканлари, истиқлол йилларида бунёд этилган музз-зам майдонлари, музейлар, тасвирий санъат галереяси, маданият ва санъат қошоналарига экскурсиялар болажонларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

**Шоира НОРЧАЕВА,
Чилонзор туманидаги 181-мактаб
ўқитувчиси**

«Мумтоз наволар» кўрик-танлови

Жиззахда Ўзбекистон халқ ҳофиси Эсон Лутфуллаев ижодида бағишланган «Мумтоз наволар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш, кенг тарғиб қилиш, миллий мумтоз санъатимизни ривожлантириш, истеъдодли ижрочиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Мумтоз наволар» республика кўрик-танлови ҳам худди шу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт иш-

лари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган 16 нафар мумтоз кўшиқ ижрочиси маҳоратини намойиш этди.

Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат

мактаби ўқитувчиси Қутлур Ҳайдаров биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Жиззах вилоятидан Отаёр Амруллаев, Андижон вилоятидан Лочинбек Абдуллаев ва Азизбек Абдулазизов қўлга киритди. Учинчи ўринга бухоролик Дилшод Ҳайдаров, самарқандлик Дилшод Жўраев, Мақсуд Бердиқулوف ва фарғоналик Шерали Раҳмонов сазовор бўлди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири**

2016-yil 30-iyul, № 61 (8918)

Юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, мактабларни дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш, уларнинг янги авлодини яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қатор қарорлар қабул қилиниб, улар асосида умумтаълим мактабларини дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашнинг яхлит тизimini яратилди. Бундан 25 йил олдин мактаб ўқувчиларининг атиги 55,4 фоизи дарслик билан таъминланган бўлса, бугун мазкур кўрсаткич салкам 100 фоизга етганининг ўзиёқ соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасидан дарак беради.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида қатор саволлар билан мутахассисга мурожаат қилдик.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги қарори янги авлод дарсликларини яратишни жадаллаштирди, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати Ўқув адабиётларининг янги авлодини тайёрлаш бўлими Жаҳонгир Мусаев. — Ушбу қарор талабларига мувофиқ 2001—2008 йиллар давомида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун тиражи 5,1 млн нусхадан ортиқ 984 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди тайёрланди ва нашр этилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «2009—2013 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори асосида эса 2009—2013 йилларда жами 1317 номдаги 3 миллиондан зиёд нусхадан ўқув адабиётлари нашр этилиб, таълим муассасаларига етказиб берилди. Шунингдек, инглиз, немис, француз тили фанларидан ўқитувчи ҳамда 1- ва 2-босқач ўқувчилари учун янги дарсликлар чоп этилди.

Айтиш мумкинки, ўтган йиллар давомида дарслик яратиш масаласига муносабат тубдан ўзгарди. Бу иш энг илгор ва энг шарафли вазифа сифатида эътироф этилиб, муаллифлар меҳнати қадрланадиган бўлди. Авваллари дарсликлар умумий билимлар манбаи, машқлар тўпламидан иборат бўлган бўлса, эндиликда улар мазмуни ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган материаллар билан бойитилмоқда. Шунингдек, ҳар бир мазмуни ўтишда янги педагогик технологияларни жорий этишни назарда тутиш, ўқувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлай олишига эришиш, таълим босқичлари узвийлигининг таъминлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитилаётган ўқув фанларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминлашга эришиш мақсади-

да айна пайтда ўқитилаётган ўқув фанлари батафсил кўздан кечирилди, — дейди Ж.Мусаев. — Таҳлиллар натижасига кўра, умумқасбий ва махсус фанларнинг 128 номдаги ўқув адабиёти ҳали яратилмагани маълум бўлди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги «2005—

Асосан табиий фанлар, санъат, иқтисод, ҳуқуқ, муҳандислик иши, ишлаб чиқариш технологияси, архитектура ва қурилиш, алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, ветеринария, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаси, атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳалардаги айрим фанларни ўқитишда ўқув адабиётлари етишмаслиги кўзга ташланади. Масалан, бугунги кунда санъат соҳаси бўйича 40 номдаги адабиётга эҳтиёж мавжуд. Айниқса, цирк артисти (жисмоний-акробатика йўналиши) касби бўйича мутахассисликка кириш (цирк артисти), цирк ва эстрада санъати бўйича

гяси, сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар, автоматик ва ярим автоматик тизимлардан фойдаланиш технологияси каби юртимиз меҳнат бозори ҳамда ишлаб чиқаришдаги технологиялар билан бевосита боғлиқ йўналишларда дарслик яратиш соҳада етишиб чиқаётган бўлажак мутахассисларнинг билим, малака ва кўникмага эга бўлиб шаклланишида ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Табиийки, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш ўта мураккаб, айна вақтда энг зарур иш. Айна кун ўқувчисининг савияси, қизиқиши, билим даражасига мос дарслик ёзишни мақсад қилган муаллиф-

Jarayon

касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати томонидан танловда иштирок этишни хоҳлаган муаллифлар, соҳа методистлари, эксперт гуруҳларига мўлжалланган «Янги авлод дарсликларини яратиш талаблари» номли методик қўлланма яратилди. Қўлланмада аввало «дарслик» тушунчасига таъриф берилиб, замонавий дарслик — муайян ўқув фанидан таълим стандартини бажаришга йўналтирилган, ўқувчи ёши ва бошқа хусусиятларига мос, алоҳида дастурга асосланувчи яратилди, деган хулосага келинган. Шундан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фойдаланилаётган ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари, вазифалари, шунингдек, яратиладиган дарслик ҳамда уларнинг электрон шаклига, мазмуни ва ҳажмига қўйиладиган умумий, педагогик ва психологик талаблар, тамойиллар ҳақида батафсил маълумот, савол ва топшириқлар тузиш бўйича тавсиялар берилди.

Маълумки, юртимизда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида йилдан-йилга ўзгаришлар, янгилашлар, юксалишлар кўзга ташланмоқда. Ишлаб чиқаришга янгидан-янги техника ва технологиялар кириб келаяпти. Ун йил олдин нашр этилган китобдаги маълумотлар бугун ўзидан эскириши турган гап. Демак, дарсликларни ҳам бу каби жараёнлардан ортда қолмаслиги учун вақти-вақти билан маъно-мазмун жиҳатдан янгилаб туришга зарурат туғилади.

— Хабарингиз бор, ўтган йилнинг декабрь ойида намунавий ўқув режа ва дастурлар тармоқ таълим стандартлари асосида тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, ўзгаришлар киритилган ва тасдиқлангани, — дейди Ж.Мусаев. — Бунинг натижасида фанлар доирасида ўқитиладиган масалалар, мавзулар ҳам ўзгарди. Шунга кўра Ахборот-методик хизмат қошидаги йўналишлар бўйича фаолият олиб бораётган ўқув-методик бирлашмалар томонидан амалда фойдаланиб келинаётган адабиётлар қайта кўриб чиқилди. Ҳозир қайта нашр борасида ҳам ишлар бошлаб юборилди. Насиб қилса, янги ўқув йилгача бу жараёнлар якунланади ва китобларимиз чоп этилиб, ўқувчи ва ўқитувчиларимиз қўлига етади, деган умиддамиз.

Албатта, дарслик ўқувчини мустақил билим эгаллашга йўналтиради ва бунинг усуллари билан ҳам ошно этади. Тўғри ва самарали фойдаланилса, малака, кўникмалар таркиб топади. Шу билан бирга ўқитувчини ҳам изланишга ундаб, унинг методик маҳорат соҳибига айланишига хизмат қилади.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Янги авлод дарсликлари

қатъий талаблар асосида яратилаяпти



2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори иловасидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 24 майда 141-сонли қарори билан ўзгартириш киритилган «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланганидек, Ҳукумат комиссиясида яратилиши лозим бўлган ўқув адабиётларининг рўйхати юборилди. Рўйхат тасдиқлангач, танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилди, муаллифлар танлови тўғрисидаги хабар оммавий ахборот васиталарида эълон қилинди. Шунингдек, муаллифлар танлови матни барча ҳудудий бошқармалар ҳамда олиғ таълим муассасаларига юборилди. Ҳозир бу жараён қизғин давом этирилмоқда.

ўқитиш услуги, техника муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги, цирк ва эстрада санъати тарихи, мусиқа санъати асослари, жонгёрлик, эквилибр: а) кўл эквилибри б) сим-дор эквилибри, цирк ва эстрада санъати турлари ихтисосликлари бўйича ўқув адабиётлари ўз муаллифларини кутмоқда. Шунингдек, кўёш панелларини ўрнатиш ва ишлатиш, шомол агрегатларига хизмат кўрсатиш ва ўрнатиш, поливинилхлорид ва алюмин композитли эшик ва ромларни йиғиш ишлари технологияси, алюмин композитли буюмларга ишлов бериш ишлари технологияси, газ ва сув таъминоти тизимлари автоматикаси ва назорат-ўлчов асбоблари, коммунал хўжалиги соҳасида ишлатилаётган замонавий технологиялар, йўл қурилиши ашёлари ва ишлаб чиқариш корхоналари, гилам ишлаб чиқариш технологияси жараёни ва гиламни бадиий безаш, пилталаш ва пиликлараш техноло-

(лар)дан аввало ўқув адабиётига қўйиладиган талаблар, мазкур соҳадаги меъёрий ҳужжатлар билан обдон танишиб чиқиш талаб этилади. Негаки, ахборот технологиялари асри ўқувчилари эҳтиёжини қондирадиган ўқув адабиётини ишлаб чиқишга кечаги талаблар тўғри келмайди. Сир эмас, баъзида устоз илғаб улгурман нарса, ҳодиса, ҳатто жараёнларга оид маълумотларни ўқувчи интернет ёки бошқа ахборот манбаларидан билиб олмақда.

Айтиш ўринлики, асосан матндан иборат, жуда катта ҳажмда яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалари ўқувчиларни умуман қизиқтирмай қўймоқда. Мазкур ҳолатда ўқув адабиётларини қай тарзда ишлаб чиқиш, дарслик, ўқув қўлланма ва умуман ўқув адабиётларининг ўзи нима, унинг қандай шакллари ва турлари бор, деган саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода Ўрта махсус,

«Баҳор» – энг намунали маҳалла

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Танлов шартларига кўра, иштирокчиларнинг ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлиги, ёшлар тарбияси, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш каби йўналишларда амалга ошираётган ишлари, маҳалла институтига оид қонун ҳужжатлари билан боғлиқ билими ва маҳалла ҳудудда дуч келинаётган турли муаммолар ечимини топиш бўйича тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди.

Шеробод туманидаги "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғини энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бoshqарish органи, деб топилди ва танловнинг мamlakat bosqichida иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

— Бугун маҳалла мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жа-

мияти сари" тамойили асосида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг таянч нуқтаси бўлиш билан бирга, фуқароларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаролигини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган ҳамжихатлик маскани сифатида хизмат қилмоқда, — дейди "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Чориев. — Маҳалламизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусий тадбирларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва миллий хунармандлик буюмлари кўрғазмаси намойиш этилди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Форум ҳудудларда давом этади

13-14 июль кунлари Тошкент шаҳрида "Бошланғич таълими модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самардорлигини ошириш" мавзусида ўтказилган бошланғич таълим ўқитувчиларнинг республика форуми барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Мазкур форум материаллари ҳамда бошланғич таълимдаги янгиликларни республикамизда фаолият кўрсатаётган 110000 дан зиёд бошланғич синф ўқитувчисига етказиш таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу мақсадда бошланғич таълим ўқитувчиларининг тажриба алмашинуви ҳамда соҳадаги энг сўнгги янгиликлардан хабардорлигини таъминлаш, педагогларнинг ижодий салоҳияти ва касбий маҳоратини ошириш, қуйи синфларда чет тилларни ўқитишга янгица ёндашиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Республика таълим марказида ташкил этилган видеосеминарда мазкур сай-ҳаракатларнинг моҳияти ва аҳамиятини янада кенгрок тарғиб этиш мақсадида бошланғич таълим ўқитувчилари форумини ҳудудларда давом эттириш ҳамда аънанавий август кенгашларига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

Видеосеминарда шу йилнинг 8—11 август кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бошланғич синф ўқитувчилари форумини август кенгашлари таркибиде ўтказиш белгиланди.

— Ушбу форумни ўтказиш бўйича ҳудудий халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, методика маркази директорлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари масъул ҳисобланади. Мактабларнинг жойлашуви, умумий сонидан келиб чиқиб, форумни 1—4 ҳудудда ташкил этиш мумкин. Масалан, Наманган вилоятида жами 685та мактаб бўлиб, улардан 1 нафардан бошланғич таълим ўқитувчиси, 5-6 нафардан чет тили ўқитувчиси жалб қилинганда учта ҳудудда ўтказиш имкони юзга келади, — деди Республика таълим маркази директори Ислон Зокиров. — Форумнинг ялпи йиғилишлари учун халқ таълими бошқармаси бошлиқлари, олий таълим муассасаларининг ректори ва профессор-ўқитувчилари, ҳудудий ХТҚТМОИ ректори ва профессор-ўқитувчилари ҳамда илгор ўқитувчилар, методистлар маърузачилар этиб белгиланади. Ҳудудлар бўйича иштирок-

чини топиш ва уларни бартараф этиш борасида маҳаллада ўзига хос тажриба тўплаган. Бу борада турли таъсирчан тадбирлардан унумли фойдаланилмоқда. Оила мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган "Биз — соғлом турмуш тарзи рафадоримиз", "Оила — муқаддас даргоҳ", "Тарбия оиладан бошланади", "Бир болага етти маҳалла отона" каби маърифий тадбирлар ёш оилаларда кузатиладиган келишмовчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбир доирасида маҳаллаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва миллий хунармандлик буюмлари кўрғазмаси намойиш этилди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Мақтабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика марказида "Энг яхши таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш кичик гуруҳи" ва "Энг яхши давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳи" кўрик-танловларининг республика bosqichi ўтказилди.

Касбий билим ва маҳорат беллашуви



Халқ таълими вазирлиги томонидан бу йил илк бор ташкил этилган мазкур беллашувлар тизимда узлуксиз методик хизмат самарадорлигини ошириш, ташаббускор ва ижодкор методистларнинг кичик гуруҳларини аниқлаш, уларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, истиқболли педагогик гояларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва оммалаштириш орқали методик хизмат сифатини яхшилашга хизмат қилади.

— Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда педагогларнинг энг яқин ҳамкори методистлар ҳисобланади. Шу боис уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, хизматини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, методистлар иш ҳақи миқдорининг умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқитувчиларининг ойлик маошига тенглаштирилгани бунинг ёрқин исботидир, — дейди Республика таълим марказининг методик ишларни мувофиқлаштириш ва педагогик технологиялар бўлими бошлиғи Ғилой Юсупова. — Шу маънода, ушбу кўрик-танловлар ҳам кичик гуруҳлар орасидан энг илгорларини саралаб, меҳнатини муносиб баҳолаш, иш тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қилади.

Икки кун давом этган кизгин баҳслар пайтида методистлар билим ва салоҳиятда бир-биридан қолишмаслигини, юқори касбий маҳоратга эга эканини намойиш этди. Низомга мувофиқ "Энг яхши таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш кичик гуруҳи" кўрик-танловиде Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ҳудудий bosqichida голиб бўлган хар бири уч нафар иштирокчидан иборат 14 та кичик гуруҳ беллашди.

Кўрик-танлов тўрт турдан иборат бўлиб, 1-турда жомалар ўз илгор иш тажрибасининг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи тақдимотини намойиш этди. 2-турда кичик гуруҳ ишларининг натижавийлиги баҳоланган бўлса, кейинги турда иштирокчилар ўз ҳудудиде методик хизматни

ривожлантириш бўйича яқин 3 йилга мўлжалланган стратегик концепцияси тақдимотини ўтказди.

Кўрик-танлов низомига кўра, мазкур уч турда 60 ва ундан юқори балл тўплаган икки жамоа — Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти вакиллари ҳал қилувчи турда беллашди. Иштирокчилар туман (шаҳар) фан методика уюшма йиғилишини ўтказиш шартиде бор билим ва маҳоратини ишга солди. Яқуний натижаларга кўра, Самарқанд вилояти жамоаси биринчи, пойтахт вакиллари эса иккинчи ўринга муносиб кўрилди.

— Кўрик-танлов юқори савияда ташкил этилди. Юртимизнинг барча ҳудудидан келган ҳамкасбларимиз билан фикр, тажриба алмашдик. Айниқса, Хоразм, Андижон вилояти вакилларининг тақдимотлари билан танишиб, келгусидеги фаолиятимиз учун муҳим бўлган жиҳатларни ўргандик, — дейди Самарқанд тумани ХТМФМТТЭБ методисти Рамиш Улмасов.

"Энг яхши давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳи" кўрик-танловиде республикамизнинг барча ҳудудидан 14 нафар иштирокчи қатнашиб, 3 тур бўйича касбий малака ва маҳоратини намойиш этди. Биринчи турда илгор тажрибалар тақдимоти ўтказилган бўлса, иккинчи турда касбий маҳорат ва амалий фаолият натижавийлиги таҳлил этилди. Охириги турда иштирокчилар келажак концепцияларини химоя қилишди.

Кизгин ўтган беллашув якунида 1-ўринга Тошкент шаҳри, 2-ўринга Самарқанд вилояти ҳамда 3-ўринга Тошкент вилояти вакили лойиқ деб топилди. Хар иккала кўрик-танловнинг 1-ўрин соҳибларига кубок, 1 даражали диплом, "Халқ таълими аълочилиги" кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Бошқа голиб ва соҳирдорлар ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Хайриддин МУРОД,
"Ma'rifat" мухбири
Владимир ГРАНКИН
олган сурат.

2016-yil 30-iyul, № 61 (8918)

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда ноқ халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифалари қаторига кўтарилди. Хусусан, сифатли тиббий хизматни ташиқ қилиш, зомонавий фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш, миллий фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш, маҳаллий шифобахш ўсимликлардан дори-дармонлар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришининг илғор, самарали технологияларини амалиётга татбиқ этиш соҳа олдиға қатор ечимталаб масалаларни кўндаланг кўйди. Шунингдек, аҳолининг дори-дармон, турли биологик моддалар, тиббий ва санитария-гигиена маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хорижий шериклар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳисобига дори-дармонларни четдан харид қилишни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш юзасидан дадил қадамлар ташланди. Айниқса, бу борада ҳар томонлама асосланган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, доривор ўсимликлар етиштириш негизини кенгайтириш, соҳа истиқболини таъминловчи малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан кенг қўллаш ислоҳотлар амалга оширилаётди.

Тошкент фармацевтика институти "Фармацевтика ишини ташкил қилиш" кафедраси доценти Хусан Қамбаровнинг (илмий маслаҳатчи — фармацевтика фанлари доктори Умархон Азизов) "Маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси асосида юрак қон-томир ва седатив таъсирга эға дори воситалари технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусида олиб борган илмий изланишлари натижасида «Sharq tabibi» ва «Фитопассит» препаратларини бальзам, капсула, сироп ҳамда таблетка дори шакллари ишлаб чиқарилмоқда.

Бугун жаҳон фармацевтика бозорига ўсимликлардан олинган дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортигини доривор ўсимликлар асосида яратилган препаратлар ташкил этади. Юртимиз дунёнинг доривор ўсимликларига бой минтақаларидан ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан ўсимликлар хомашёси асосида тайёрланган дори-дармонларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш фармацевтика фанининг долзарб вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Айниқса, юрак-қон томир ва асаб тизими бузилиши дардиға чалинган беморларни даволашда ҳар томонлама самарали қўлланиладиган шифобахш гиёҳлардан таркиб топган дори воситаларининг янги авлодини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

— Маҳаллий доривор ўсимликлар йиғмаси асосида юрак қон-томир ҳамда асаб тизимига седатив таъсир этувчи янги дори препаратлари таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишда, жумладан, хомашё асосида ўзида биофаол моддалар сақловчи вегетатив қон томир дистониясини ҳамда неврастения касалликларига қўллаш учун қулай таблетка, қиём ва капсула дори шакллари технологиясини ишлаб чиқиш; синергетик фаол моддалар

куруқ экстракти, таблеткаси ҳамда «Фитопассит» седатив қиём (сиропи), куруқ экстракти, капсуласи яратилди ҳамда уларнинг физик-кимёвий, технологик, биофармацевтик, фармакологик, фармакокинетик хоссалари ўрганилди ва амалиётда қўлланиш илмий асослари ёритиб берилди.

«Sharq tabibi» таркиби оддий тоғрайхони, кийик ўти, сохта янток ўти, қалампир ялпиз, қора чой барглари, дўлана, наъматак мевалари, қизилмия илдизи ва 32 фоизли этил спиртидан иборат. Арслонқуруқ ўти, валериана илдизи ва илдизпояс, қулмоқ, дўлана, наъматак, қора зира мевалари эса «Фитопассит»нинг «бағриға жойланди». Тадқиқот жараёнида техно-

ниши учун бундай экологик жиҳатдан тоза, бой захира камдан-кам топилади. Соҳани ривожлантиришға қаратилган эътибор, корхоналарнинг энг зомонавий асбоб-анжомлар билан таъминлангани, кадрлар саноатини ошириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликларни назарда тутидан бўлсак, бугун биз олимларнинг иқтисодий жиҳатдан арзон ва таъсири ҳеч бир хорижий мамлакатлар сотувға чиқариётган дори-дармонлардан қолишмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлида ишлашимиз учун барча шароит мужассам.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Sharq tabibi» шифобахш бальзам таркибида спирт мавжудлиги боис, уни эмизикли аёллар ва бо-



Izlanish

Шу мезонларға таянилган ҳолда, неврастенияға чалинган ва невротик реакциялари бўлган беморларни даволашда муваффақиятли клиник синовдан ўтказилган, экологик жиҳатдан тоза препарат дунёға келди ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош қармасининг қарори билан тиббиётда ишлатиш ва ишлаб чиқаришға рухсат этилди.

— Кўп йиллик илмий изланишларнинг маҳсули сифатида юзлаб беморларнинг шифо топишиға хизмат қилаётган «Sharq tabibi» ва «Фитопассит» дори воситалари юмшоқ терапевтик таъсирға эғалиги сабабли, узоқ вақт қабул қилиниши, юқори самарадорликка эғалиги ва айни пайтда ноҳўя таъсирларининг камлиги, турли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда кенг қўлланилаётгани, специфик фаоллиги ва безарарлиги билан алоҳида эътиборға молик, — дейди Х.Қамбаров. — Тадқиқотлар давлат грантлари: «Sharq tabibi» бальзами концентратини олиш технологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришға жорий этиш», «Тинчлантирувчи «Фитопассит» препаратини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» ва «Юрак – қон томир фаолиятини яхшиловчи «Sharq tabibi» препаратини таблетка дори шаклини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» асосида олиб борилиб, жараёнларға магистр талабалардан: Х.Собировнинг «Маркетинговое исследование рынка лекарственного препарата «Sharq tabibi»», Д.Умаровнинг «Биологик катализатор ёрдамида «Sharq tabibi» бальзамининг концентратини олиш технологияси» сингари мавзуларда илмий изланишларға қўл урилгани, диссертация иши натижалари оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилиб, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда катта қизиқиш билан қарши олингани маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси асосида ўз дори-дармонларимизни яратиш борасида саъй-харакатларнинг бардавонлигини таъминлаш билан бирға, беназир табиятимиз тўхфаси бўлган шифобахш гиёҳларни асраш, кўпайтириш, маданийлаштириш ишларига муносиб улуш қўшиши билан эътиборлидир.

Фан ва технологиялар тараққиёти — соҳалар, жамият ривожини таъминловчи асосий кучдир. Ана шу тараққиёт, куч ўз юртимиз, она заминимизда униб, ўсувчи табият инъомлари қувватини кашф этиш ва шу асосда халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишға қаратилгани янада қувончлидир. Биз тилға олган илмий изланишлар натижаси шу жиҳатлари билан ҳам ўз қимматиға эға.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Юракнинг беозор малҳами

она заминимизнинг шифобахш ўсимликларидан тайёрланмоқда

ға бой маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси таркибини аниқлаш ва уларнинг мўътатил технологиясини танлаш; таблетка, қиём ва капсула дори шаклларининг таъсир этувчи моддалари миқдорини аниқлашда спектрофотометрик, юқори самарали хроматографик усулларни қўллаш ва биофармацевтик тадқиқотлар асосида аниқ таркибли комплекс таъсир этувчи таблетка ва қиём ҳамда капсула дори шакллари яратиш йўналишларидаги илмий ечимларни асослаш зарур, — дейди Хусан Қамбаров. — Кўп йиллик изланишларимиз натижасида амалиётға жорий қилинган препаратларимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятға тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалға оширишға муайян даражада хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Юқоридаги ишлар асосида ёзилган диссертация ишида илк бор юрак қон-томир тизимини рағбатлантирувчи ҳамда седатив таъсирға эға биологик фаоллиги аниқланган мураккаб таркибли биофаол моддалар асосида вегетатив-қон томир дистонияси ва неврастения касалликларига қарши такомиллашган дори препаратлари таркиби, технологияси босқичма-босқич ўрганилиб, хусусан, янги оригинал мураккаб таркибли дори воситалари — «Sharq tabibi» бальзами,

логик, физикавий, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик, фармакокинетик усуллар ва зомонавий компьютер дастурларидан фойдаланилди. Натижаларнинг ижобий ва самарали жиҳатлари зомонавий математик, статистик, тahliliy усуллар ва клиник текширувлар асосида амалий синовдан ўтказилди. Препаратлар фармакотерапевтик фаоллиги бўйича хорижий препаратларға ўхшаш таъсирға эға эканлиги олиб борилган таҳлиллар асосида ҳар томонлама асослаб берилди. Тегишли меъёрий ҳужжатлар тасдиқланиб, Республика интеллектуал мулк агентлигининг ихтироий патенти олинди. Айни кунда «Sharq tabibi» бальзами «Galenika» масъулиячи чекланган жамияти, «Фитопассит» седатив қиём «Ўзимёфарм» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

— Илмий изланишлар жараёнида инсон организмға фойдали жиҳатлари юқори, айни пайтда Ўзбекистон шароитида кенг қўлланиладиган, етарлича захираға эға, келажақда кўпайтириш ва маданийлаштириш имкони мавжуд бўлган ўсимликларни танлаб олишға алоҳида эътибор қаратдик, — дея суҳбатимизни давом эттиради Х.Қамбаров. — Бу ушбу препаратларни келажақда узлуксиз ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизнинг ўсимликлар олами ранг-баранглиги, соф ва шифобахшлиги, биофаол моддаларнинг тўлиқ ажрालиши билан ниҳоятда кадрли бойлик саналади. Ер юзида фармацевтика саноати ривожла-

лаларға қўллашда қийинчилик (ноқулайлик) туғилади. Мазкур камчилиқни бартараф этиш учун «Sharq Tabibi» препарати таблетка дори турини яратиш учун куруқ экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилди. Бунда ўсимликларни тежаб ва оқилона ишлатиш имконияти ҳам юзасиға келиши натижасида биологик фаол моддаларнинг максимал даражада ажралиб чиқишиға эришилади. Шунингдек, дори воситасини дозалаш мумкинлигини инобатға олсак, унинг фармакотерапевтик самарадорлиги янада ортади. Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида «Sharq tabibi» куруқ экстрактини ишлаб чиқариш учун тажриба-саноат қурилмаси яратилди ва тажриба-саноат технологик регламенти ишлаб чиқилди.

Яна бир жиҳатта тўхталиб ўтиш ўринлики, «Sharq tabibi» бальзами ва таблеткаси қон айланishi тизимида майда қон томирлари ёрилишининг олдини олади. Таркибидаги биофаол моддалар қонни тозалашға хизмат қилади. Иммунитетни кўтариб, жисмоний қувватни оширади. Бошқа шу турдаги дори воситалари билан солиштирилганда, таъсир доирасининг кенглиги, ёрдамчи моддалар кўшилмаса-да, ошқозонда тез парчаланиб сингиши, таннархининг арзонлиги билан ажралиб туради.

“Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2016” республика танловида қатнашадиган ўқув адабиётлари РЎЙХАТИ

T/p	Ўқув адабиётларининг номи	Муаллифларнинг Ф. И.	Нашр йили, нашриёт номи	Тақдим этган муассасанинг номи	T/p	Ўқув адабиётларининг номи	Муаллифларнинг Ф. И.	Нашр йили, нашриёт номи	Тақдим этган муассасанинг номи
1	2	3	4	5	1	2	3	4	5
ДАРСЛИКЛАР									
1.	Француз тили	Р.Ширинова, Ф.Мухаммадминова	Тошкент-2015 й., “Сано-стандарт”	ЎзМУ	46.	Грим	Ф.Жалилова	Тошкент-2015 й., “Наврўз”	ЎзДСМИ
2.	Борлиқ ва ривожланиш фалсафаси	Н.Шермухамедова	Тошкент-2013 й., “Ношир”	ЎзМУ	47.	Музей ва жамият	Ж.Исмилова, К.Нишанова, М.Мухамедова	Тошкент-2015 й., “Чинор ЭНК”	МРДИ
3.	Юқори молекуляр бирикмалар	Т.Бабаев	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	ЎзМУ	48.	Основи реклами	К.Акилова, С.Мухамеджанова	Тошкент-2015 й., “Иқтисодий”	МРДИ
4.	Жаҳон иқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатлар	А.Ваҳобов, Д.Таджибаева, Ш.Хажибакиев	Тошкент-2015 й., “Бактрия пресс”	ЎзМУ	49.	Либос тарихи	Д.Рахматуллаева, У.Ходжаева, Ф.Атаханова	Тошкент-2015 й., “Сано-стандарт”	МРДИ
5.	Иностранные инвестиции (2-издание)	Я.Кариева, Э.Камалова	Тошкент-2015 й., “ТДИУ босмахонаси”	ТДИУ	50.	Маҳобатли рангтасвир техника ва технологияси	Р.Худайбергандов	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	МРДИ
6.	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш	П.Исмаилов, П.Матяжубова, Ш.Тураев	Тошкент-2015 й., “Лексон Пресс”	ТДТУ	51.	Статистика	А.Абдуллаев, Н.Умаров, М.Хожиев	Тошкент-2015 й., “Иқтисод-молия”	АндМИ
7.	Кимёвий технология асосий жараён ва қурilmалари (2-нашр)	Н.Юсупбеков, Х.Нурмухамедов, С.Зокиров	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	ТДТУ	52.	Меҳнат муҳофазаси махсус курси	Э.Ибрагимов, С.Газизаева, О.Юлдашев	Тошкент-2015 й., “ТИМИ босмахонаси”	ТИМИ
8.	Шаҳарлар электр таъминоти	Ф.Сандходжаев	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	ТДТУ	53.	Монтаж и наладка электрооборудования	Ш.Музафаров, А.Бердыев, Л.Батырова	Тошкент-2015 й., “Мубина Полиграф Сервис”	ТИМИ
9.	Технология жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш асослари	Н.Юсупбеков, Д.Мухитдинов	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	ТДТУ	54.	Мелиорация ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш ва техник сервис	С.Вафоев, Н.Даулетов	Тошкент-2013 й., “Тафаккур бўстони”	ТИМИ
10.	Машина деталлари	А.Шоибидов	Тошкент-2014 й., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”	ТДТУ	55.	Боксчиларнинг спорт-педагогик маҳоратини ошириш (электрон дарслик)	Ш.Исроилов, Р.Халмухамедов, С.Тажибаев	Тошкент-2015 й.	ЎзДЖТИ
11.	Математика	Б.Абдуллаева, А.Садиқова, Н.Мухитдинова, М.Тошпулатова	Тошкент-2014 й., “ТДПУ босмахонаси”	ТДПУ	56.	Биохимия ва спорт биохимияси	М.Тўйчибеков	Тошкент-2015 й., “Тафаккур бўстони”	ЎзДЖТИ
12.	Математик анализ I	У.Тошимов, Р.Турғунбаев, Э.Сайдамов, М.Мадримов	Тошкент-2015 й., “Экстремум-пресс”	ТДПУ	57.	Таъқвода назарияси ва услубияти	Ш.Абдурашудова, Ш.Нуритдинова, С.Тажибаев	Тошкент-2015 й., “Турон-икбол”	ЎзДЖТИ
13.	Биологик кимё ва молекуляр биология (1—2-қисм)	М.Валиханов, С.Должимова, Г.Умарова, Г.Мирзамидова	Тошкент-2015 й., “Наврўз”	ТДПУ	58.	Кураш турлари назарияси ва услубияти	А.Тастанов	Тошкент-2015 й., “Иқтисод-молия”	ЎзДЖТИ
14.	Тилшунослик асослари (электрон дарслик)	С.Мухаммадиев, И.Ибрагимов, Р.Мажидова, У.Шарипова, Х.Тўхтаматов	Тошкент-2015 й.	ТДПУ	59.	Оғир атлетика назарияси ва услубияти	Р.Маткаримов	Тошкент-2015 й., “Ўзбекистон”	ЎзДЖТИ
15.	История русской литературы первой половины XIX века (электрон дарслик)	И.Миркурганов, Ю.Матвеева, С.Выборнов, А.Корзун	Тошкент-2015 й.	ТДПУ	60.	Жисмоний тарбия ва спорт менежменти (1-2-қисм)	З.Фулмонов, Р.Набиуллин, Г.Камилова	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”, “Турон-икбол”	ЎзДЖТИ
16.	Чолғу икчилик (электрон дарслик)	Ш.Рахимов, М.Илхомов, Ш.Юсупов	Тошкент-2013 й.	ТДПУ	61.	Миллий ва халқаро уйинлар	Т.Усманходжаев, Ш.Исроилов, А.Пуллатов, Ш.Пуллатов	Тошкент-2015 й., “Иқтисод-молия”	ЎзДЖТИ
17.	Археология (электрон дарслик)	Н.Эгамбердиев, М.Файзиёва	Тошкент-2015 й.	ТДПУ	62.	Факультет педиатрияси	А.Муратходжаева, И.Дауш, Г.Пирназарова, У.Хасимова, Д.Икрамова	Тошкент-2015 й., “Турон-икбол”	ТПТИ
18.	Компьютер тармоқлари (электрон дарслик)	Ш.Усмонов	Тошкент-2015 й.	ТДПУ	63.	Тайёр дори воситаларининг сифатини баҳолаш, қадоқлаш ва ўраш	Х.Жалилов, В.Хайдаров, М.Қодиров, А.Темиров	Тошкент-2014 й., “Чуллон”	ТФарМИ
19.	Развитие математических представлений у дошкольников (электрон дарслик)	Э.Джантенисова	Тошкент-2015 й.	ТДПУ	64.	Дори воситаларини ишлаб чиқариш	Х.Жалилов, В.Хайдаров, М.Қодиров	Тошкент-2014 й., “Чуллон”	ТФарМИ
20.	Хаёт фаолияти хавфсизлиги. Енгин хавфсизлиги (электрон дарслик)	У.Муродова	Тошкент-2014 й.	ТДПУ	65.	Қурилиш физикаси	Ф.Шукуров, Д.Исламова	Самарқанд-2015 й., “СамДЧТИ нашр матбаа маркази”	СамДАКИ
21.	Психодиагностика ва экспериментал психология	Э.Нишанова, Д.Қариева, Н.Атабаева, З.Қурбонова	Тошкент-2014 й., “Фан ва технология маркази”	ТДПУ	66.	Туризм асослари	И.Тухлиев, Р.Хайитбеков, Б.Сафаров, Г.Турсунова	Тошкент-2014 й., “Фан ва технология”	СамИСИ
22.	Основы религиоведения	Г.Тулметова, Э.Ибрагимов	Тошкент-2015 й., “ТИУ босмахонаси”	ТИУ	67.	Ўза селекцияси ва уруғчилик	Д.Абдукаримов, М.Луков	Тошкент-2015 й., “Меҳрибон полиграф сервис”	СамҚХИ
23.	Химояланган жой сабаотчилиги	В.Зуев, А.Атаходжаев, Ш.Асатов, А.Қадирходжаев, У.Акрамов	Тошкент-2014 й., “Иқтисод-молия”	ТДАУ	68.	Ноорганик моддалар ва минерал уйитлар технологияси	И.Шамшидинов	Тошкент-2014 й., “Иқтисод-молия”	НамМПИ
24.	Молекуляр физика	У.Жураев	Тошкент-2015 й., “Ворикс”	СамДУ	69.	Озик-овқат кимёси	М.Худойбердиева, А.Худойбердиев, Е.Екубжанова	Наманган-2015 й., “Наманган”	НамМПИ
25.	Функционал анализ ва интеграл тенгламалар	И.Абдуллаев, Р.Ўзбекижоев, М.Шерматов, О.Эгамбердиев	Тошкент-2015 й., “Light Group ММЖ”	СамДУ	70.	Ем-хашак ештириш (2-нашр)	О.Мирзаев	Тошкент-2014 й., “Янги нашр”	АндҚХИ
26.	Иқтисодий иш этикаси	М.Ғаниева, Н.Латинова, И.Неғматов, И.Жураев, М.Шеро, У.Абдураҳмонов, З.Эргашев	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	СамДУ	71.	Оториноларингология	К.Қосимов, А.Далиев, З.Норбоев, Х.Қосимов	Анджон-2015 й., “Step by step print ММЖ”	АндДТИ
27.	Миллий ўқувчи дари адабиёти XIX-XX аср (тожик тилида)	С.Хўжакулов	Тошкент-2015 й., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”	СамДУ	72.	Топонимика	Қ.Қахимов	Тошкент-2015 й., “Мумтоз суза”	ЖизДПИ
28.	Тарбиявий ишлар методикаси (тожик тилида)	К.Хасанова, Н.Жураева	Тошкент-2015 й., “Ўз. фай. мил. жам.”	СамДУ	73.	Нефть ва газ олишнинг технологияси ва техникаси	Н.Махмудов, Т.Юлдашев	Тошкент-2015 й., “Иқтисод-молия”	ҚарМИИ
29.	Соқфеджио	О.Азизов	Тошкент-2014 й., “Мумтоз суза”	НамДУ	74.	Анестезиология ва реаниматология (3-нашри)	О.Эшонов	Тошкент-2014 й., “Тафаккур”	БухДТИ
30.	Die Phonetik der Deutschen sprache (Немис тили фонетикасини ўрганиш)	М.Қиммова, З.Қиямова	Тошкент-2015 й., “Тафаккур бўстони”	ҚарДУ	75.	Нефть маҳсулотларини техник тадқиқ қилиш	Ф.Фозилов	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	БухМТИ
31.	Кимё тарихи	Б.Умаров, Т.Ниязхонов	Тошкент-2015 й., “Наврўз”	БухДУ	76.	Жаҳон тарихи (қадимги Шарқ, Юнонистон, Рим)	Р.Раҳимов	Тошкент-2015 й., “Янги аср авлоди”	НавДПИ
32.	Иқтисодий таҳлил ва аудит	А.Ваҳобов, Ф.Ибрагимов, У.Якубов	Тошкент-2015 й., “Иқтисод-молия”	ТМИ	77.	Кринология: умумий қисм (лотин ва қирил алифбосида)	И.Исмилов, Р.Абдурашудова, И.Фазилов	Тошкент-2015 й., “ИИВ Акад. босмахонаси”	ИИВ Акад.
33.	Халқаро молия муносабатлари	Ж.Атанязов, Э.Алимардонов	Тошкент-2014 й., “Ўз. фай. мил. жам.”	ТМИ	78.	Инглиз тили (1-қисм)	А.Рустамов	Тошкент-2015 й., “ИИВ Акад. босмахонаси”	ИИВ Акад.
34.	Халқаро аудит	А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлқолов	Тошкент-2015 й., “Иқтисод-молия”	ТМИ	79.	Криминалистика	Т.Маматкулов, И.Астанов, Х.Туррабаев, Ш.Джуманов, Б.Улуғбеков, А.Таджиев, К.Туранов, О.Ғаниев	Тошкент-2015 й., “ИИВ Акад. босмахонаси”	ИИВ Акад.
35.	Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш	Б.Маматов, Д.Ужамкулов, О.Нурбеков	Тошкент-2014 й., “Иқтисод-молия”	ТМИ	80.	Қасбий психология	Р.Душанов, И.Фарфиев	Тошкент-2014 й., “ИИВ Акад. босмахонаси”	ИИВ Акад.
36.	Банкларда бухгалтерия ҳисоби (2-нашр)	К.Наврўзова, Н.Каримов, У.Ортиқов	Тошкент-2013 й., “ВнешИнвестПром”	ТМИ	81.	Иқтисодий назарияси	Ш.Қобилов	Тошкент-2013 й., “ИИВ Акад. босмахонаси”	ИИВ Акад.
37.	Вақучие вешества	Н.Махмудова	Тошкент-2015 й., “ТАҚИ босмахонаси”	ТАҚИ	82.	Декончилик илмий изланиш асослари билан	У.Исмаилов	Нукус -2015 й., “Билим”	ТДАУ Нуқ. фил.
38.	Архитектура	М.Миралимов	Тошкент-2012 й., “ТАҚИ босмахонаси”	ТАҚИ	83.	Факультет болалар жироғияси (қорақаллоқ тилида)	Н.Утегенов	Тошкент-2015 й., “Иқтисод-молия”	ТПТИ Нуқ. фил.
39.	Архитектура шакллари уйғунлаштириш ва безаш	А.Уралов, Т.Маматмусаев	Тошкент-2015 й., “ТАҚИ босмахонаси”	ТАҚИ	84.	Одам анатомияси ва физиологияси	З.Маликов, М.Алламуратов, Н.Шарафитдинжоев, А.Шермуратов, М.Бозорбоев, Р.Усмонов	Тошкент-2014 й., “Иқтисод-молия”	ТТА қошидаги Акад. Лиц.
40.	Ишончилик назарияси ва диагностика асослари	А.Тожибоев, К.Сидикназаров, К.Иброҳимов, Н.Қунаёв	Тошкент-2015 й., “Экстремум-Пресс”	ТАЙИ	85.	Биология	А.Абдукаримов, А.Ғофуров, К.Нишонбоев, Ж.Хамидов, Б.Тошмухамедов, О.Эшонкулов	Тошкент-2015 й., Шарқ нашриёти	ТПТИ қошидаги Акад. Лиц.
41.	Машинасозлик технологияси ва лойиҳалаш асослари	А.Сафиев, Х.Абдуғафуров, П.Раджибаев	Тошкент-2014 й., “Сано-стандарт”	ТТЕСИ	86.	Адабиёт (тожик тилида)	С.Садиев, А.Самадов	Тошкент-2013 й., “Чуллон”	РТМ
42.	Қоғознинг асосий турлари ва хоссалари	Х.Бабаханова, И.Набиева	Тошкент-2014 й., “Ўзбекистон”	ТТЕСИ	87.	Меҳнат таълими. 1-синф	И.Мансорова, Р.Мавлонова, Н.Ибрагимова	Тошкент-2015 й., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”	РТМ
43.	Материалларни қонфекциялаш	Х.Камилова, Х.Юнусходжаева	Тошкент-2015 й., “ТТЕСИ босмахонаси”	ТТЕСИ	88.	Тасвирий санъат. 5-синф	Т.Қузиёв ва бошқалар	Тошкент-2015 й., “Ўзбекистон”	РТМ
44.	Технология жараёнларни лойиҳалаш	Р.Абдуллаев, К.Юнусов	Тошкент-2014 й., “ТТЕСИ босмахонаси”	ТТЕСИ	89.	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 9-синф	Б.Болтаев, А.Азаматов, А.Аскар, М.Соқиков, Ф.Азаматова	Тошкент-2015 й., “Чуллон”	РТМ
45.	Конструкция материаллар технологияси	С.Нурмуродов, А.Расулов, К.Баҳадиров	Тошкент-2015 й., “Фан ва технология”	ТКТИ	90.	Информатика. 5—9-синф (электрон ўқув-услубий мажмуа)	Н.Тайпаков, С.Низомононов	Тошкент-2015 й.	РТМ

Жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон саломатлиги ва маънавий-маърифий камолотига юксак даражада аҳамият бериб келинмоқда. Зеро, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор, оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамisha орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди, халқона айтсак, емай едиради, ичмай ичиради. Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий ва абадий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, жумладан, бу йил мамлакатимизда таваллудларининг 680 ва 575 йиллиги кенг нишонланган Амир Темур ва Алишер Навоий ҳазратлари инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозаллиги, авлодининг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз.

Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Бу асрлар давомида ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир. Ана шундай муҳим ҳаётӣ қадриятни

Навоий ибрати

Амир Темур ўғитларида ҳам учра-тамаиз. Соҳибқирон бобомиз ўғил ва невараларига келин танлашга жиддий қарагани, буни ҳатто сиёсат даражасига кўтаргани тарихдан маълум.

Алишер Навоий нафақат буюк шоир, балки миллат муаллими сифатида ёш авлод таълим-тарбиясига зўр аҳамият берган. Асарларида мазкур мавзуни қаламга олиш билан чекланмай, кундалик ҳаётда ҳам халқнинг истеъдодли фарзандлари, жумладан, шахзодалар камолоти йўлида жон куйдирган.

Тарихчи Хондамирнинг шоҳидлик беришича, улуг амир Алишербек Султон Хусайн Бойқаронинг ўн тўрт нафар ўғли орасида тўнғичи Бадиуззамон мирзога кўп эътиمود қўйган, уни Хуросон мамлакатаи тахтининг қонуний вориси деб билган, шундай бўлиши учун имкон қадар саъй-ҳаракат қилган. Бадиуззамон мирзонинг онаси Хусайн Бойқаронинг кўз очиб кўрган хотини Бека Султонбегим бўлиб, Марв вилоятининг ҳокими Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Тарихдан биламизки, Санжар мирзо машҳур салжуқий ҳукмдорлардан Султон Санжарнинг авлодларидан бўлган. Бадиуззамон мирзо биллимон, нозик табиятли, кўркам, салобатли ва яхшигина шоир ҳам бўлган, туркийдан ташқари араб ва форс тилларини ҳам билган.

Мана шу жиҳатлари ҳам Алишер Навоийнинг унга эътиمود қўйишига олиб келган. Тарихчиларнинг ёзишича, уларнинг муносабати самимий, устоз ва шогирд, маънавий ота ва фарзанд мақомида бўлган. Алишер Навоий дийдор кўришганларида шахзодага маслаҳатлар берган, насиҳатлар қилган. Айрилик пайтлари эса Бадиуззамон мирзога мактублар йўллаб, тўғри йўлга чорлаб турган. Мактубларидан бирида мансабга эришган киши дастлаб мансаб сарҳушлигига дучор бўлиши мумкинлигини эслатиб, одам ана шу «мастлик»ка берилмаслиги, бундан ўзини сақлай олиши лозимлигини уқтириб ўтади. Бу чорлов ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Замондошларининг нақл қилишларига қараганда, Алишер Навоий 1001 эзгу ишни амалга оширишни ният қилиб, шуларни умр мазмуни деб ҳисоблаган экан. Булар сирасига мискинарларга хайр-саховат кўрсатиш, китоблар ва бог-роғлар яратиш, уламо, фузало, толиби илмларга, мусиқа, адабийёт, санъат аҳлига ва меъморларга ҳомийлик қилиш, хунар аҳлига ёрдам кўрсатиш, шогирдларга устозлик қилиш, ҳамкасбларни раббатлантириш каби ишлар кирради.

Тарихий ҳужжатларнинг шоҳидлик беришича, Алишер Навоий ўз маблаглари ҳисобидан Хуросон

мамлакатаи худудида — пойтахт Хирот ва вилоятларда 157 та обид, иморат ва иншоот қурдирган. Булар — мадраса ва масжидлар, қорихоналар, хонақоҳлар, сардобалар, работлар, кўшқлар, ариқлар (ҳозирги ибора билан айтганда, каналлар), кўприклар, шифохона, табибхона ва ҳоказолар.

Элу юртнинг тинчлиги, раиятнинг осойишталигини кўзлаб яшаган Алишер Навоий минган отининг жиловини гоҳ Марвга, гоҳ Балхга буради. Халқ гамини бир дам фаромуш айламайди. Миллатнинг эртаси бугунидан буюкрок, гўзалроқ бўлишини чин диддан истаб ёшлар тарбияти хусусида қай-ғуради.

Бугун мамлакатимизда улуг аждодлар бошлаган хайрли амаллар бардавом. Истиқлол бизга берган имкониятдан фойдаланиб ўзимизга хос тараққиёт йўлимизни белгилашимизда ота-боболаримизнинг эзгу анъаналари билан бирга, ачиқ армонлари ҳам назарда тутилгани қувонарли. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги "Соғлом она ва бола йили"да нишонланишининг ҳам рамзий маъно-мазмуни бор, албатта. Ўтган чорак асрлик ҳаётимиз миллий уйғониш, миллий тикланиш ва миллий юксалиш даври бўлди. Жаҳонда Ўзбекистон деганда фаровон ва чароғон, келажаги янада порлоқ мустақил мамлакат, ўзбек халқи деганда илғор бир миллат тушунила бошланди.

Абдуқаххор ИБРОҲИМОВ,
профессор

Одам савдоси — трансмиллий жиноят. Худуд ва миллат танламайдиган бу жиноят кишилик жамияти ва мамлакатлар тараққиёти учун катта хавф солмоқда. Бу сирдобга, асосан, хотин-қизлар ва ёшларнинг тушиб қолаётгани янада ачинарли ҳолдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг сўнги маълумотларида одам савдоси қурбонлари дунёнинг 124 мамлакатаида кўпроқ кузатилаётгани ай-тилади. 2010 йил 30 июлда одам савдосига қарши курашиш, жиноятнинг олдини олиш, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш каби йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ томонидан глобал ҳаракат дастури қабул қилинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Ўтган давр мобайнида одам савдосига қарши курашиш, юртдошларимизни ушбу оғир жиноятдан ҳимоялаш, ундан жабр кўрганларга ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, юртимизда одам савдоси жиноятига барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий база шакллантирилди. Конституциямизнинг 26-моддасида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини кам-

ситувчи бошқа тарздаги таъзиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар учун жино-

Одам савдоси глобал муаммо

ий жавобгарлик (135-модда) белгиланди. 2008 йилда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун, Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу турдаги жиноятларга қарши курашиш, олдини олиш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Одам савдосига қарши фақат бир минтақа ёки давлат кураш олиб боргани билан муаммога чек қўйиб бўлмайди. Бу иллатга барҳам беришда кенг

жамоатчиликнинг саъй ҳаракати талаб этилади. Мазкур масала бўйича юртимизда халқро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, жумладан, одам савдосининг хавфли кўринишларига қарши курашиш бўйича 30га яқин шартнома ва келишув имзоланди.

Одам савдосига қарши курашиш, бу жиноят қур-

да"ги қарори билан ушбу комиссиянинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, таркиби ва низоми тасдиқланиб, асосий вазифалари белгиланди. Жойларда худудий идораларо комиссиялар фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари самарали иш олиб бормоқда. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий ҳокимият органла-

тадбирларни такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланмоқда. Жорий йил 26 апрелда ўтказилган "Одам савдосига қарши курашиш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқро амалиёт" мавзусидаги халқро конференцияда инсониятга хавф туғдирувчи, тобора уюшган трансмиллий ва глобал тусга эга бўлган, халқро ҳамкорликни талаб этувчи бу офат билан курашишни ҳеч қачон кечиктириб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда миграция бўйича халқро ташкилотининг (МХТ) Марказий Осиёдаги мувофиқлаштирувчи офиси ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда мутахассислар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Маҳаллий ҳамда халқро экспортлар ўз чиқишларида мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш бўйича амалга оширилган ишларни юқори баҳолаб, бу борадаги алоқаларни янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлашди.

Луқмонжон ИСОҚОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
миллий маркази маъсул
ҳодими

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим
ҚОЗОҚ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2016-2017 ўқув йилида
фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар
РЎЙХАТИ**


T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъмин-ланиш тури
1-синф				
1	Алифбе(Элпипе)	М.Омаров	2016	Бепул
2	Ёзув дафтари	М.Омаров	2016	Бепул
3	Она тили (Ана тілі)	М.Омаров	2016	Бепул
4	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омаров	2016	Бепул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2016	Бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2016	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	М.Аҳмедова ва б.	2016	Бепул
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2016	Бепул
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2016	Бепул
10	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2016	Бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Бепул
13	Инглиз тили "Kids' English-1"	М.Ирискулов ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили "Deutsch mit Spaß"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-1"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
16	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2016	Бепул
2-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2016	Ижара
2	Она тили (Ана тілі)	М.Омарулы	2016	Ижара
3	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омарулы	2016	Ижара
4	Русский язык	З.Абдураимова	2016	Ижара
5	Математика	Н.Абдураимова ва б.	2016	Ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2016	Ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2016	Ижара
8	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2016	Ижара
9	Тасвирий санъат	И.Исоқова ва б.	2016	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit Spaß-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-2"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-2"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
17	Меҳнат таълими	Х.Самакулов ва б.	2016	Ижара
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2016	Ижара
2	Она тили (Ана тілі)	М.Омарулы ва б.	2016	Ижара
3	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омарулы ва б.	2016	Ижара
4	Русский язык	Н.Сергеева ва б.	2016	Ижара
5	Математика	С.Бурхонов ва б.	2016	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов ва б.	2016	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2016	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исоқова ва б.	2016	Ижара
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2016	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-3"	С.Хан ва б.	2015	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-3"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit Spaß-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2015	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-3"	С.Раҳмонов ва б.	2015	Бепул
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-3"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
17	Меҳнат таълими	Х.Самакулов ва б.	2016	Ижара
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2015	Ижара
2	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омарулы ва б.	2015	Ижара
3	Она тили (Ана тілі)	М.Омаров	2015	Ижара
4	Русский язык	М.Каримова ва б.	2016	Ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2015	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов ва б.	2015	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2015	Ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2015	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2015	Ижара
10	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2015	Ижара
11	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2015	Ижара
12	Инглиз тили "Kids' English-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
13	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили "Deutsch mit Spaß-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
16	Француз тили "Hirondelle-4"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
17	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-4"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
5-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2015	Ижара
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	У.Бойқобулов ва б.	2015	Ижара
3	Адабиёт (Эдебиет)	К.Сейданов ва б.	2015	Ижара
4	Русский язык	Ю.Мусурмонова	2016	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2015	Бепул
6	Немис тили "Deutsch"	М.Қисимова ва б.	2015	Бепул
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2015	Бепул
8	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2015	Ижара
9	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
10	Математика	Б.Ҳайдаров	2015	Ижара

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъмин-ланиш тури
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2015	Ижара
12	Информатика	Д.Қамолитдинова	2016	Ижара
13	География (Табиий география бошланғич курси)	П.Фуломов ва б.	2015	Ижара
14	Муסיқа	А.Мансуров	2015	Ижара
15	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2015	Ижара
16	Тасвирий санъат	Т.Қўзиев ва б.	2015	Ижара
6-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳитдинова ва б.	2013	Ижара
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	А.Исабаев ва б.	2013	Ижара
3	Адабиёт (Эдебиет)	Е.Абдувалитов ва б.	2013	Ижара
4	Русский язык	Г.Ғасилова	2013	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	Бепул
6	Немис тили "Assalom, Deutsch!"	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
7	Француз тили "Voyage en France"	З.Абдушукурова ва б.	2013	Бепул
8	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2013	Ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2013	Ижара
10	Тарих	А.Садуллаев ва б.	2013	Ижара
11	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	Ижара
13	География	А.Соатов ва б.	2013	Ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
7-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳитдинова ва б.	2013	Ижара
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	Д.Айтбаев ва б.	2013	Ижара
3	Адабиёт (Эдебиет)	К.Сейданов ва б.	2013	Ижара
4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2013	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
6	Немис тили "Assalom, Deutsch!"	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
7	Француз тили "Bon voyage"	В.Бухин ва б.	2013	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2013	Ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	Ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	Ижара
11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	Ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	Ижара
13	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2013	Ижара
14	Зоология	О.Мавлонов	2013	Ижара
15	География	П.Фуломов ва б.	2013	Ижара
16	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2015	Ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
8-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳитдинова ва б.	2014	Ижара
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	Д.Айтбаев ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Эдебиет)	Е.Абдувалитов ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	М.Рожнова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили "Assalom, Deutsch!"	Н.Суханова ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили "Le nouveau voyage en France"	З.Абдушукурова ва б.	2014	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2014	Ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2014	Ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2014	Ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
14	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
15	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
16	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
17	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
19	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2015	Ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2014	Ижара
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	С.Аманжолев ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Эдебиет)	Қ.Жумалиев ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	Р.Усмонова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили "Deutsch"	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили "D'un Etat à l'autre"	С.Раҳмонов ва б.	2014	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллабоев ва б.	2014	Ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2014	Ижара
11	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2015	Ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2014	Ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
16	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2014	Ижара
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2014	Ижара
19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара

2016-yil 30-iyul, № 61 (8918)

ОПТИКА ОРҚАЛИ АХБОРОТ ЕТКАЗИЛАДИ

"Facebook" kompaniyasi axborotlarni tarmoq orqali etkazish borasida "Wi-Fi"ning urning bosuvchi texnologiyani ishlab chiqdi. U optikaга асосланган бўлиб, маълумотларни янада тезроқ тарқатишга кўмак беради, деб ёзади "Optica" журнали.



Мазкур тизимда қабул қилувчи ва ахборот етказувчи тarmoқда бевосита кўри-ниб турмаси ҳам, ўзаро ахборот алмашинуви таъминланади. Тадқиқот лабораторияси ходими Тобиас Тикенинг таъкидлашча, концентраторни яратишда флуоресцент, яъни нурлантирилганда ялтираб кўринадиган оптик толалардан фойдаланилган. У маълум бир рангга эга бўлган нурни ютади ва бошқа хил рангда тарқатади. Тола турли томонларга йўналтирилган нурларни бир жойга тўплайди ва тезкор фотодетекторга жўнатади. Тўлқинларнинг ранги турлича бўлгани сабабли сигнал янада кучаяди.

Тизим маълумотларни сониясига 2 гигабит тезликда қабул қилиш ва узатиш имконига эга. Мутахассисларнинг таъкидлашча, сигналларни кучайтириш орқали симсиз ахборот узатиш технологияларини ривожлантириш мумкин.

СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ХОТИРАНИ КУЧАЙТИРАДИ

Кексаяш билан боғлиқ тадқиқотларни олиб борувчи миллий институт ходими Генриет ван Праг бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи хотирасини яхшилаш истагида бўлганлар спорт билан кўпроқ шугулланиши лозимлигини таъкидлайди, деб хабар беради "ScienceDaily".

Спорт билан шугулланиш бош миёдаги катепсин В оқсил микдорини камайтиради. Олимлар буни аниқлаш мақсадида сичқонларда тадқиқот ўтказди. Харақатсиз ҳаёт тарзига мослашган ва фаолликка мажбур қилинган кемирувчилар устида кузатув олиб борилди ва Моррис лабиринти бўйлаб ҳаракатланган жониворлар маррага қанча вақтда етиб келиши аниқланди. Натижаларга кўра, серҳаракат сичқонларда камҳаракатлилардан фарқли ўлароқ катепсин В оқсил камлиги, бу эса жониворларнинг хотирасига ижобий таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Шу сабабдан улар ҳар сафар маррага аввалгидан ҳам эртароқ етиб келаверган.



Мутахассислар жисмоний машғулотлар ва катепсин В моддаси ўртасидаги боғлиқлиқни инсонларда ҳам ўрганиб чиқинди. Маълум бўлишича, тўрт ой давомида спорт билан шугулланган кишилар хотира синовларида яхши натижаларни кўрсатди. Бироқ уларда катепсин В микдори ортгани аниқланди. Олимлар навбатдаги тадқиқотларда мазкур оқсилнинг хотирага қандай таъсир этишини ўрганишни режалаштирмоқда. Шунга қарамай спорт билан шугулланиш хотирани мустаҳкамлайди, деган илмий хулоса ўз кучида қолади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ 2017 ЙИЛ УЧУН КЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛАР ИНСТИТУТИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Мутахассислик шифри	Мутахассислик номи	Ажратилган ўрин
1	13.00.01	Педагогика назарияси ва тарихи.Таълимда менежмент	4
2	13.00.02	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)	3
3	13.00.03	Махсус педагогика	1
4	13.00.05	Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси	1

Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар кўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан етакчи олимлардан бирининг ёзма розилиғи.

Қириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1—20 декабрь кунлари мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фани билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, шунингдек, чет тили фанларидан бўлиб ўтади. Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Қўшимча маълумот олиш учун университетнинг Илмий-тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими (+998935744058)га (манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 27-уй) мурожаат этишлари мумкин.

УЗОҚ МУДДАТ ЯХШИ САҚЛАНУВЧИ ПОМИДОР

Ноттингем университети геншунос олимлари яхши таъмига эга бўлган, энг асосийси, узоқ муддат сақланувчи "Solanum Lycopersicum" номли помидор навини яратди, деб ёзади "Nature Biotechnology" журнали.

Помидор қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ичида энг харидорғири бўлса-да, уни сақлаш бўйича кўпгина муаммолар мавжуд. Уни сифати ва мазасига таъсир ўтказмай узоқ муддат сақлашнинг деярли имкони йўқ. Олимлар мазкур ҳолатни ўрганиб, ҳосилни ривожлантирувчи, сабзавотнинг эса тез юмшашда фаол иштирок этувчи гени ажратиб олди. Ген ўчирилса, помидорнинг эти секин юмшайди, бироқ мазкур жараён унинг пишиб етилишига мутлақо таъсир ўтказмайди. Кислоталар, шакар ва хушбўй моддалар ҳам одатдагидек сабзавот тўқималарида тўпланиб боради.



Мутахассислар ёввойи помидорлар таркибидаги "пектат-лиаз" ферменти микдорини ўзгартириш орқали унинг янги навини яратди. Бунда унинг таъмига ҳеч қандай зарар етмади, аксинча янада мазали ва сифатли ҳосил олинди.

ЎРТАЧА БЎЙ ҚАНЧА?

Олимлар дунё бўйича одамнинг ўртача бўйини аниқлаш мақсадида махсус тадқиқот ўтказди, деб ёзади "eLife" журнали.

Аниқланишича, аёлларнинг ўртача бўйи Латвияда 169,8 сантиметрни ташкил этади. Эркакларнинг ўртача бўйи Нидерландияда 182,5 сантиметрга тенг. Келажақда бўй ўсиши бўйича Жанубий Корея ва эронлик аёллар ва эркаклар етакчилик қилиши кутилмоқда. Сабаби, сўнгги юз йил ичида корей аёлларининг ўртача бўйи 20 сантиметр, эронлик эркакларнинг бўйи эса 16,5 сантиметрга ўсган.

Аёлларнинг ўртача бўйи борасида энг кичик кўрсаткич 149,4 сантиметр, эркаклар бўйича эса 159,8 сантиметр қайд этилди. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги юз йилда инсониятнинг ўртача бўйи 11 сантиметрга ўсган. Бугунги кунда дунё эркакларининг ўртача бўйи 177,5 сантиметр, аёлларники эса 164,4 сантиметрга тенг.

Олимлар глобаллашув жараёни сабаб Ер аҳолисининг ўртача бўйи пасайиши мумкин, деган хулосага келди. Сабаби, юрак-контимир касалликларининг ортиши, айрим юқумли хасталикларнинг авж олиши кўп кузатилмоқда. Зеро, ўртача бўйнинг ўсиши ёки камайиши инсониятнинг яшаш шароитига ҳам боғлиқ.



ТЕЛЕВИЗОРНИНГ САЛОМАТЛИККА ТАЪСИРИ БОР(МИ?)

Япониялик олимлар ҳар куни телевизор қаршисида соатлаб ўтириш инсон саломатлигига таъсир ўтказишини аниқлади.



"EurekAlert" манбасида келтирилишича, телемания ўпка артериясининг тромбоземболияси, яъни ўпка силкишига сабаб бўлиши мумкин. Буни аниқлаш учун 1988-1990 йиллар оралиғида ўтказилган тадқиқот натижалари ўрганилди. 40—79 ёш оралиғида бўлган 86024 нафар инсон "Телевизор кўрасизми?", деган саволга жавоб берди. Кейинги 19 йил ичида эса уларнинг 19 нафари тромбоземболия сабаб ҳаётдан кўз юмган.

Тадқиқот давомида кўнига 2,5—4,9 соат экран қаршисида ўтирганларда 70 фоиз, 2—2,5 соат телевизор кўрганларда эса 40 фоиз мазкур хасталик сабаб ўлим ҳолати кузатилган. Шу сабабдан мутахассислар телевизор томоша қилгандан сўнг жисмоний машғулотлар билан шугулланишни тавсия қилмоқда.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

2016-2017 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари учун янги нашр этиладиган ўқув-методик қўлланмалар бўйича Тендер(3-ЯН-МРТ-2016) савдоларида ФОЛИБ бўлган наشريёт ва босмаҳоналар рўйхати

Т/р	Лот рақами	Ўқув-методик қўлланмаларнинг номлари	Синфи	Таълим тили	Адади	Ғолиб наشريёт ва босмаҳоналар номи
1	20	Русский язык (Рус синфларда) Методическое пособие для учителей	3-синф	рус	2476	"Ўзбекистон" НМИУ
2	21	Книга для чтения (Рус синфларда) Методическое пособие для учителей	3-синф	рус	2476	"Ўзбекистон" НМИУ
3	22	Ўзбек тили (Рус ва қардош) Ўқитувчилар учун методик қўлланма	3-синф	рус	5486	"Ўзбекистон" НМИУ

Нутқимизга инглизча «stress» сўздан кириб келган бу атаманинг луғавий маъноси — босим, таъйиқ, сиқув, оғирлик, кескинлик. Стресс ҳудуд ёки миллат танламайди, ёш ва жинс тафовути унинг учун аҳамиятли эмас. Тадқиқотчилар инсон ҳаёти давомида жуда кўп дуч келадиган бу салбий ҳодисанинг тиббиёт, физиология, психология фанларида кузатиладиган ижобий (**эутресс**) ҳамда салбий (**дистресс**) турлари мавжудлигини аниқлаганлар. Яна шу нарса маълумки, 70 фоиз касаллик стрессни бошдан кечириш оқибатида келиб чиқар экан. Тошкент шаҳридаги руҳий-асаб касалликлари клиник шифохонаси психоневрологи Ирода Каримова мавзунинг худди шу хатларини асослайди:

— Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 1 миллион инсон стресс ҳолатини бошдан кечиради ва 750—800 мингта суицид (ўз жонига қасд қилиш) ҳолат қайд этилади. Бунинг психологик сабаблари бор: ҳаддан зиёд хурсандчилик, ўзаро можаролар, оғир хавф-хатар, нимадандир кўнгил қолиши. Жисмоний жиҳатдан эса ўта иссиқ ёки совуқ шароитда яшаш, тананинг зўриқиши, жароҳат олиш, юкумли хасталик билан касалланиш, радиациядан нурланиш, захарланиш, транспорт воситаларини нотўғри бошқариш натижасида рўй берадиган автоҳалокат ва ҳоказо.

Олиб берилган тадқиқотларда маълум муддат ва ўн йил давомида бирга ҳаёт кечирган жуфтликлар шаҳар ва қишлоқ кесимида тинч-тотув яшаётган ҳамда нотинч оилалар параметрлари бўйича таҳлил қилинган. Бахтли яшовчи оилалар ҳаёти шуни кўрсатганки, улар ўз никоҳларининг ҳавас қиларли даражада бўлишига яқин қариндошлари — ота-онаси, қайнона-қайнотаси, қайинсингли ва қайин-бўйини етарлича шарт-шароит яратганини таъкидлашган. Аксинча, ажрашишга ариза берганлар бундай ҳолатга эри ёки хотинининг яқин қариндош-уруғлари таъсири борлигини сабаб қилиб кўрсатишган. Ҳар иккала натижа учун 480 нафар эр-хотин, яъни 240 жуфтлик танлаб олинган.

Стресс

уни келтириб чиқарадиган сабаблар ва олдини олиш омиллари хусусида

Кайфиятингиз аъло, ишингиз жойида, оилавий муаммоларингиз йўқ, хотиржам ва босқисиз. Ҳамкасбингиз, дўстингиз ёки қариндошингиз билан учрашиб қолдингиз, унинг эса нимадандир сиқилгани кўриниб турибди. Инсонийлик юзасидан «Нима бўлди?» дея сўрайсиз. Сухбатдошингиз ҳолат хўрсинади, кўзлари тубида эса чексиз дард...

Бундай ҳолатга шифокор «стресс» ташхисини қўяди. Хўш, «стресс» аслида нима, унинг келиб чиқиш сабабларини қандай аниқлаш керак?

Тадқиқотда ўзбек оилаларидаги этнопсихологик хусусиятлар — совчиликнинг роли, қизларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, танишув жараёнининг узоқ давом этмаслиги, йигитларнинг ўз ота-онасига ҳаддан ташқари болгани қолганлиги, қиз боланинг турмушга чиққач, ота-онасидан кўнгил узоқлашмай, уларга ўз дардини айтиши каби ҳолатларда намойиш бўлиши ўрганилган. Оилавий муносабатларнинг бу қадар майда бўлакларга бўлиниб кетиши, шубҳасиз, жуфтликлар ёки уларнинг яқин қариндош-уруғлари саломатлигида, руҳий-эмоционал ҳолатида жиддий ўзгариши юзга келтириши ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган. Бу ҳолат кўпчиликни ўйлантирадиган ва ташвишга соладиган стрессни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Шундай қилиб, никоҳолди муносабатларда жуфтликлар бир-бирини яқинроқ ўрганиши муҳим эканини ҳис қилса, ўша оилада зикрдагилар камроқ бўлиши мазкур тадқиқотда муфассал очиб берилган. Муаллиф аниқлаган яна бир парадокс — шаҳар оилаларига нисбатан қишлоқда яшовчи эр-хотинлар ўртасида жанжал ва можаро камроқ кузатилади экан. Бундан ташқари, ўзбек оилаларидаги эркак кишининг устунлиги, баъзан бу ҳолат худбинликка айланиб, муносабатларни пароканда қилиши стресс пайдо қилувчи



Salomatlik saboqlari

омиллардан яна биридир.

Депрессия тушган кишини бу вазиятдан олиб чиқилиши психотерапевтик усуллари амалиётда қўлланилади. Биз шифокорлар бунга комплекс тарзда ёндашамиз.

Биринчи навбатда, стрессга тушган киши билан самимий суҳбат қилилади. Унга шифокордан ҳеч нарса ни сир тутмаслики, айтганлари пинҳона сақланишини уқтираемиз. Агар у биз билан дардлашса, ҳеч нарса ни яширмай, шу қўйга солган муаммодан бохабар қилса, ташхис қўйиш, даволаш осон кечади.

Иккинчи босқичда, беморнинг муаммоси яхшилаб ўрганилган, унга ташхис қўйилади. Стресс психотерапияда организм устидан устунлик қилувчи ҳолат, деб талқин этилгани учун унинг беморга уч йўналишда таъсир ўтказиши аниқланган: ақл, хаёл, ҳис-туйғу. Аввалига ахборот онг-ақл орқали қабул қилinsa, бунга ҳис-туйғу билан муносабат билдирилади, сўнгра бу жараён организмга руҳий ва жисмоний даражада синга бошлайди. Беморга ташхис қўйишда уни стрессга олиб келувчи ҳолат асос қилиб олинади.

Учинчи босқичда даволаш жараёнига қадам қўямиз. Бунда беморнинг хоҳиш-иродасига кўра, тиббий (дори-дармон, препарат) ёки руҳий муолажа усули танланади.

Таълимга бахшида умр

Инсон ёшлигидан бир соҳага қизиқиб, тегишли олий ўқув юртида меҳрини бериб ўқиса, шу йўналишда сидқидилдан ишласа, ҳақаратлари натижа бериб, жонқуярлиги билан касбдошлари, раҳбарият ҳурматини қозонса, албатта, ўз касбидан қониқиш бахтига муяссар бўлади. Бундай кишилар, айниқса, таълим соҳасида кўпчилик. Умрининг қарийб эллик йилини таълим-тарбия ишига бағишлаган Малик Абдалимов ана шундай зиёллардан биридир.

Унинг педагогик фаолиятга кириб келиши, тажриба тўплаши Тошкент шаҳридаги 201-мактаб билан чамбарчас боғлиқ. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кечки бўлимида ўқиш жараёнида ишни болалар етакчилигидан бошлади. Қийинчиликлардан қочмади — ҳам ўқиб, ҳам ишлади. Кейинчалик шу мактабда бошланғич синфларга дарс бериб, педагогик маҳоратини оширди. Ташкилотчилиги сабаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, бироз вақт ўтган эса мактаб директори лавозимига тайинланди.

У даврлар мактабларга бугунгидек эътибор берил-

масди. Таълим муассасасининг яроқсиз эски биносига ўқув-тарбия ишларини олиб бориш учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. Ёш директор ўз ишини мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашдан бошлади. Ободончилик ишларини йўлга қўйиш учун маҳалла жамоаси ва ота-оналар кўмитасини жалб қилди. Иситиш тизими янгиланди, ошхона, меҳнат таълими учун бир неча хоналар ташкил этилди. Лексин эски, қолаверса лойиҳасиз қурилган мактабни тартибга келтириш, замонавий асбоб-ускуналар ва ўқув куроллари билан жиҳозлаш мушкул эди. Туман, шаҳар раҳбариятига муро-

жаатлар наф бермагач, республика ҳукуматиға мурожаатдан сўнг янги мактаб лойиҳаси тасдиқланди, маблағ ажратилиб, қурилды ҳам.

Ана шу мактаб жамоасига Малик Абдалимов 20 йил раҳбарлик қилди. Мактабда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш мақсадида ўз устида тинимсиз ишлаш, илғор тажрибаларни ўрганиш,



Oramizdagi odamlar

дарс жараёнини такомиллаштириш, техника воситаларини кенг қўллаб ўқувчиларга чуқур билим бериш, болалар одоб-ахлоқиға доимий эътибор қаратиш каби долзарб масалалар педагогик кенгаш йиғилишларида мунтазам муҳокама қилинадиган бўлди. Яхши натижаларга эришган зиёлларни қўллаб-қувватлаши натижасида жонқуяр муаллимлар сафи ошиб борди. Ўқув жараёнини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча

тадбирлар ўз мевасини берди. Мактаб ўқувчиларининг билими чуқурлашиб, нафақат туман ва шаҳар, балки Республика олимпиадаларида фаол қатнашиб, яхши ўринларга муносиб топилди. Ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабати ўзгарди, ота-оналарнинг мактабга, ўқитувчилар жамоасига ҳурмати ошди. Аста-секин Малик ака раҳбарлигидаги мактаб Тошкент шаҳрининг илғор таълим муассасалари қаторидан жой олди.

Истиқлолга эришганимизнинг иккинчи йилида М.Абдалимов Чилонзор туман халқ таълими бўлими мураббийи лавозимига тайинланди. У 12 йил давомида туман миқёсида кўп ташаббуслар кўрсатди. Масалан, у ташкил этган «Олимпиада маркази» фаолияти натижасида, Давлат тест маркази маълумотларига кўра, 1997-1999 йилларда Тошкент шаҳри ўқувчиларининг олий ўқув юртига кириши бўйича Чилонзор тумани биринчи ўринни эгаллади.

— Малик ака ҳаққўй инсон, — дейди унинг ҳамкас-

би, таълим фидойиси Тўлқин ака Султонов. — Айниқса, туман халқ таълими мудир лавозимида фаолият кўрсатган чоғида соҳада ўз ечимини кутаётган муаммо мавжудми, уни турли даражадаги идораларда, йиғилишларда раҳбарлар олдига дадиллик билан қўярди. Баъзи мажлисларда ҳазиллашиб этагини тортиб турсак-да, уни тўхтатиш маҳол бўларди. Чунки, Малик ака бундай пайтларда шахсий манфаатини эмас, балки таълим соҳаси ривожига тўсиқ бўлаётган муаммони тезроқ бартараф этишга урингани учун жим ўтира олмади.

Шижоати, эзгу ишлари билан дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва маҳалладошлари қалбидан чуқур жой олган Малик ака доимо ва ҳар ерда уларнинг эҳтиромига сазовор. У ҳам қарда фаолият юритган бўлмасин бирга ишлаган ҳамкасбларини, сафдошларини унутмайди. Халигача уларнинг хол-аҳволларини суриштириб туради, тўй-маъракаларидан қолмайди.

Ҳ.САИДОВ,
«Меҳнат шухрати»
ордени совриндори

2016-yil 30-iyul, № 61 (8918)

Хар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган улкан эътибор натижасида Ватанимиз спортчилари Ўзбекистон шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилмоқда. Жисмонан ва тактик жиҳатдан кучли бўлган спортчи ҳамisha галаба қозонади. Спортчининг жаҳон биринчилиги, олимпиада ўйинларига ҳар томонлама кучли тайёрлигини таъминлашда руҳий тетиклик асосий омиллардан биридир. Психология фани бўйича олиб борилган кўплаб тадқиқотларда ана шу мавзу чуқур ўрганилган.

Спорт мусобақаларига таратилган кўриш жараёнида, энг аввало, иштирокчининг руҳан тайёр бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар қандай руҳий ҳолат бир қанча умумий белгиларга эга бўлиб, инсоннинг кечинмалари билан боғлиқ ҳолда унинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворида сезилиб туради. Психологик ҳолатларнинг барчаси умумий характер касб этиб, уларнинг давомийлиги муайян вақт чегарасида юзага келади (бир неча сониядан бир неча кунгача). Бу эса бошқа руҳий ҳолатлар сингари инсоннинг мураккаб ва яхлит кўринишини намойён этади. Спортчининг мақсад сари дадил интилиши, бутун кучини сарфлаган ҳолда айнан шунга эришмагунча курашиши, эмоционал кўзгалининг оптимал даражаси, ҳар қандай ташқи ва ички тўсиқларга қарши тура олиши, мусобақа жараёнида ҳар доим ўзгарувчан, юқори руҳий ҳамда жисмоний зўриқишларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларда ўз хатти-ҳаракати, ҳиссиёти, хулқ-атворини бошқара олиши муваффақиятлар гавридир.

Мусобақага руҳан тайёрлик ҳолатини ифодаловчи куйидаги хусусиятларни келтириш мумкин: интуитивчанлик, матонат ва мураккаб вазиятларда ўзини тутта билиш; мустақиллик, уда-буронлик, ижодий тасаввур, фаолият жараёнида муваффақиятни таъминловчи диққатнинг жамланганлиги ва барқарорлиги, интенсивлиги ва кўлами; мусобақа давомида ўз ҳиссий кечинмаларини мақбул тартибда бошқара олиш қобилияти ва бошқалар.

Бу белгилар мусобақа тури ва микёсига қараб турли хил жузъий ўзгаришларда намойён бўлади. Улар ҳамма вақт спортнинг аниқ бир туридаги фаолиятда объектив воқелик билан шартланган бўлиб, шугулланаётган кишининг типологик ва морфологик хусусиятлари билан боғлиқ равишда кечади.

Мусобақага руҳан тайёр бўлиш ҳолати спорт тури билан мунтазам ва муттасил шугулланиш жараёнида шаклланади. Муваффақиятларни янада мустаҳкамлашга бўлган илк интилишга аслида дастлабки машғулотларда замин яратилади. Спортчи ҳар кунги одатий машқларни бажариш давомида мусобақага умумий тарзда тайёрланиб боради. Бу жараёнда мураббий ундаги шахсий сифатлар — иродалик, интеллектуаллик, мақсад сари

катъий интилиш, жисмонан тетиклики янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиши керак.

Спортчида мусобақа шарт-шароитларига мослашувчанлик аввалдан шакллантирилади. У ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик, жамоадошлари билан бирдамлик ва ўз хулқ-атворида нисбатан хушёрлик сифатларини ўзлаштириши зарур. Бироқ бу мусобақага руҳан тайёрлик ҳолати

Спортчи мусобақага руҳан тайёрми?

учун замин бўлиб хизмат қилади, холос.

Руҳан тайёрлик ҳолати ҳар бир мусобақа олдидан алоҳида йўналтирилган махсус машғулотлар жараёнида шакллантирилиши лозим. Шундай мусобақа турлари мавжудки, бунда спортчиға ўз имкониятларини намойиш қилиш учун фақат бир маротаба имкон берилади. Бу ҳолатда спортчининг руҳий тайёрлик ҳолати, етарли даражадаги шахсий иродавий хусусиятлари, ўз ҳис-ҳаяжонлари, хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қобилияти шаклланганлиги галаба қозонишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Аксинча, спортчининг мусобақага етарли даражада тайёр эмаслиги унинг кутилмаган вазиятларда ортиқча ҳаяжонланиши, ҳаракатларида изчиллик йўқолиши, жамоадошлари билан ўзаро зиддиятга бориши билан якун топиши мумкин. Оқибатда галаба эмас, мағлубият кузатилади. Спортчининг онги, психологик хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларини мусобақа шарт-шароитларига тайёрлаш, кўниктириш жараёни уни жамоавий спорт турларида энг аввало, сафдошларини бир мақсад йўлида бирлаштириш, яқдиллик билан ҳаракат қилишни таъминлашга ундаши лозим.

Спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги кузатишлар шунга кўрсатадики, мусобақага кўламини мақсадга мувофиқ танлай билиш, рақибнинг қобилиятини тўғри баҳолай олиш каби омиллар мураббий ва спортчиларга устулқини ушлаб туришда катта ёрдам беради. Машҳур спортчиларда галабалар сони мағлубиятдан кўп эканлигининг асл сирини ҳам шунда бўлса керак. Халқаро тоифадаги ку-

рашчи ва боксчиларда мағлубиятлар сони ўтказилган учрашувларнинг тахминан ўртача 10 фоизини ташкил этар экан. Кетма-кет мағлубиятлар рўй бериши эса спортчида "мағлубият — одатий ҳол", деган туйғу ва экстернал назорат локуси шаклланишига олиб келиши мумкин. Келгусидаги омадсизликда у мағлубият сабабларини турли субъектив омиллардан излай бошлайди (бемаврид эсанган шамол, ноқулай об-ҳаво, чимнинг сифатсиз эканлиги, майдоннинг торлиги, ҳакмининг ноҳақлиги ва ҳ.к.).

Спортчини мусобақага психологик жиҳатдан тайёрлаш амалиёти шунга кўрсатадики, кўплаб галаба ва мағлубиятлар мураббийнинг зарур даражада таъбир кўрсата олиши ва иштирокчининг стартолди

нишларида акс эттирилган.

Стартолди ҳолатлари турлари ҳам аниқланган. Бу ҳолат интенсивлик инобатга олинган ҳолда турли шаклларга бўлинади. Тадқиқотчи А.Пуни уларни уч шаклга ажратган: старт талвасаси, жанговар шайлик ва старт апатияси. В.Навроқая эса уларни беш шаклга ажратишни таклиф қилган: энгил, ўртача, кучли стартолди ҳаяжони, стартолди апатияси ва кучли стартолди апатияси. Спортчининг мусобақа жараёнидаги руҳий ҳолатига энг ижобий таъсир кўрсатадигани бу жанговар шайлик ва энгил стартолди ҳаяжони ҳисобланади. Булар спортчининг хулқ-атвори, лаёқати, хатти-ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатади. Спорт-



Mutaxassis minbari

фақат мусобақа кунини бошдан кечиради.

Эмоционал ҳолат билан курашиш чораларидан бири спортчи диққат-эътиборини вақтинча мусобақадан чалғитиш ҳисобланади. Буларга куйидагиларни китритиш мумкин:

- сўз методи — мураббий, психолог спортчини мусобақадан чалғитиш мақсадида бунга умуман алоқадор бўлмаган мавзуларда сўзбатлашиши;
- кўл-оёқ чигилини ёзувчи, тинчлантирувчи машқлар бажарилиши;
- уқалаш, ўз-ўзини тинчлантирувчи уқалаш муолажалари олиб борилиши;
- диққатни чалғитувчи бошқа усуллардан фойдаланиши.

Г.Горбунов бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи олиб борган изланиш натижаларига кўра, спортчининг руҳий ҳолатини ўзгаришига қаратилган психотренинг, гетеротренинг, аутотренинг каби психологик машғулотлар ҳам яхши самара беради. Бу машқлар натижасида куйидагиларга эришилади:

- муваффақиятларда фақат ўз "мен"ини кўрсатадиган спортчиларда кўзгалувчанликнинг пасайиши;
- ўзини ўзи назорат қилиш бўйича паст кўрсаткичга эга бўлган спортчиларнинг ўзини яхши ҳис қилиши;
- диққат барқарорлигининг таъминланиши;
- интернал ва экстерналликнинг меъёрлашуви;
- эмоцияларни бошқаришда ирода кучининг ривожланиши ва ҳ.к.

Соҳага оид адабиётлар, илмий тадқиқот ишлари таҳлили шунга кўрсатадики, спортчининг мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиши ҳамisha ҳам унда кўникма ва малака етарли эканлигини аниқламайди. Шунинг учун спортчиға халқаро ёки республика миқёсидаги нуфузли мусобақаларда стартолди ва бо жараёнда кечадиган эмоционал ҳолатнинг объектив ва субъектив сабаблари, уларни бошқариш имконияти ҳақида маълумот бериш лозим. Шундан сўнг махсус дастур асосида психологик тренинг, аутотренинг машғулотларини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Катта мусобақаларда юрт шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчиларни тайёрлаш энг кичик ёш давридан бошланади. Шундай экан хоҳ халқаро, хоҳ республика миқёсидаги мусобақа, чемпионат ёки турнир бўлсин, иштирокчиларни руҳий жиҳатдан тайёрлаш жиддий жараён эканлигини мураббийлар, педагоглар унутмаслиги керак.

Умарали КОДИРОВ,
психология фанлари
номзоди
И.ҲОЖИБОВ,
Сурхондарё вилояти халқ
таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш
институтини ўқитувчиси

чидаги эмоционал ҳолат машғулотлар вақтидаги нисбатан мусобақа кунинда бирмунча яққолроқ кўзга ташланади. Юқори кўзгалганлик ҳолати спортчиға энг қадам қўяётган ёшларда, малакали спортчиларда ҳам кузатилиши мумкин.

Мусобақадан олдинги эмоционал зўриқиш ҳолати мақсадга йўналтирилган иродавий зўриқиш билан тартибга солиб турилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эмоция, ҳаяжон қувватнинг ортиқча сарфланишини келтириб чиқаради, ирода эса бу қувватдан фойдаланишда тежамкорликни таъминлаб беради. Спорт тарихидан маълумки, жуда кўплаб рекорд натижалар ирода билан бошқарилган ҳиссиётларнинг самараси ҳисобланади. Одатдаги шароитда, экстремал вазият кузатилмас, эмоционал зўриқиш меъёрдаги кўрсаткичда сақланиб қолаверади. Унинг кўрсаткичи инсоннинг айни вақтдаги ҳолати билан мутаносиб равишда кечиши мумкин. Старддан бир неча кун олдин эмоционал зўриқиш даражаси меъёрга яқин ҳолатда сақланиб қолаверади. Агар бу ҳолат стардга ўзгармасдан сақланиб қоладиган бўлса, у ҳолда спортчи мусобақага нисбатан бефарқ, деб ҳисобланади.

Шунга айтиш мумкинки, спортчи мусобақа жараёнида ўз тайёрлиги қандай бўлса, имкониятларини шунга яраша намойиш этади, баъзан унинг кўшимча имкониятлари рўёбга чиқмаслиги мумкин. Одатда старт қўйилгани сайин зўриқиш ўсиб бораверади. Беқарор спортчилар зўриқишни бир неча ҳафта олдин ҳис қила бошласа, эмоционал жиҳатдан барқарор кишилар кўпроқ бу ҳолатни

Бўш вақт мазмунли ўтмоқда

Навоий вилоятида ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларни таълимдан ташқари тўғарак машғулотларига жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нурота туман кенгаши қошида ташкил этилган тўғарак машғулотларида ҳам ўқувчи-ёшлар бўш вақтдан унумли фойдаланиб, маҳорат сабоқларини ўтмоқда. Дизайнер-тикувчилик тўғараги, айниқса, қизлар билан гавжум. Гулбахор Тўракулова раҳбарлигида тикувчилик сир-асрорларини ўрганаётган қизлар айна пайтда «25 йилликка 25 либос билан» мавзудидаги кўргазмага тайёргарлик кўрмоқда.





Суратларда: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нурота туман кенгаши қошида ташкил этилган дизайнер-тикувчилик тўғарагида.

ЎЗА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар.

Болаларнинг сеvimли майдончаси

Ёз фасли болаларнинг жону дили. Айниқса, жазирама кунларда соя-салқин жойда тенгдошлари билан турли интеллектуал ўйинлар ўйнаш, спорт мусобақаларида иштирок этиш, сувда чўмилиш кичкинтойларга завқ бағишлайди. Бугун юртимизнинг барча болалар оромгоҳлари келажагимиз эгалари билан, уларнинг шодон ўйинкулгилари билан тўлган. Шунингдек, умумтаълим мактабларида ташкил этилган спорт-соғломлаштириш майдончалари ҳам оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун энг сеvimли масканга айланган.



Хусусан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 232-умумтаълим мактабида очилган ва кун мобайнида 3 навбатда ишлаётган «Камалак» спорт-соғломлаштириш майдончаси айна кунларда ўқувчилар билан гавжум. Мактаб раҳбаридан тортиб, кутубхоначию жисмоний тарбия фани ўқитувчисигача мазкур жараёнга жалб қилинган. Ёз давомида фаолият кўрсатадиган 16та тўғаракнинг ишлаш вақти, санаси ҳамда машғулотлар мазмуни белгилаб олинган. Жумладан, ўғил-қизлар дushанба ва сeshанба кунлари каратэ, чорshanба ва пайshanба кунлари таekвондо, жума куни гимнастика билан шуғулланади. Бундан ташқари, «Hello, English», «Ёш мусавирлар», «Моҳир қўллар», «Соғлом болажон», «Ёш китобсеварлар», сузиш, рус тили, шашка, футбол, стол

тенниси, «Компьютер саводхонлиги» тўғараклари ҳам ўқувчиларнинг ёз фаслидаги бўш вақти мазмунли ва мароқли ўтишига хизмат қилмоқда.

— Ўтган ой давомида ҳам «Камалак» ўқувчиларимизда илиқ таассурот қолдирди, — деди мактаб директори О.Ваҳобова. — Хусусан, учта гуруҳ ўртасида «Имкон-шоу» мусобақаси ўтказилди. Унда «Куюшча» гуруҳи ўзининг эпчиллиги, зукко ва уддабуронлиги билан ғалаба қозонди. «Табиатни асрайлик» мавзусида асфальтга расм чизиш танловида ҳам «Куюшча»га тенг келадигани топилмади. «Кучлилар, чаққонлар, довжораклар» спорт баҳсларида эса «Бинафша» гуруҳи муваффақиятга эришди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Бурхон РИЗО
олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазири,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазири, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh муharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. F-724. Tiraj 35394.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»-dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 21.30 Topshirildi — 21.50

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Nabatchi muharrir:
Abror UMARQULOV.
Nabatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 3 4 5